

Буюк аждодларимиз ёққан маърифат чироғи юртимизда доимо порлаб турсин!

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 4-sentabr, shanba № 70 (8303) ISSN 2010-6416

«БИРИНЧИ ҚЎНФИРОҚ» САДОСИ

ЎҚУВЧИЛАРНИ БИЛИМ ОЛИШГА ЧОРЛАДИ



Орзиқиб кутилган дамлар етиб келди: республикаимиздаги барча таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди. Барча ёшларнинг юз-кўзларида катта иштиёқ, келажакка ишонч ва умид, халқимиз орзусидаги баркамол авлодга хос интилиш ва шижоат. Либослари оҳорли. Бир ўқув йилини ортда қолдириб, галдагисини улкан тараддуд билан қарши олаётган умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юр்தларининг талабаларига қўшалок байрам — Мустақиллик куни ва янги ўқув йили муносабати билан энг эзгу тилаклар билдирилди.

Нафақат вилоят, шаҳар ва туман марказларидаги таълим даргоҳларида, балки юртимизнинг энг чекка, олис қишлоқларида, чўл ва тоғ минтақаларида ҳам барча шартшароитларни ўзида мужассам этган замонавий мактаблар, касб-хунар коллежларида бўлиб ўтган «Билимлар куни» чинакам байрамга айланди.

(Давоми 3-бетда.)

АҲДИ ҚАТЪИЙ ЎҒЛОНЛАР

Ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлашди

Бу муқаддас Ватанни асраб-ардоқлаш, уни ҳимоя қилиш ҳар бир юр்தдошимиз учун ҳам қарзу ҳам фарздор. Камол топаётган авлодни буюк Ватанга муносиб, юрт шаънини юксакка кўтарадиган инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз эътиборидаги асосий масалалардан бири эканлиги барчамизга маълум.

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети биринчи курс курсантларининг анъанага кўра, 1 сентябрь — энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни ўтказиладиган қасамёд қабул қилиш маросими бу йил Юр்தбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида ташкил этилиши барча иштирокчиларга ўзгача рух, кўтаринкилик бахш этди. Ватан ҳимоячилари байрами арафасида қад рост-

лаган мазкур бетакрор мажмуада қасамёд қилишнинг ҳам ўзига хос теран маъноси бор. «Ватанга қасамёд» ҳайкали қаршисида турган киши кўнгида фахр, ифтихор, гурур туйғулари билан бирга, катта масъулият ҳиссини туйди. Шу юр்தга муносиб фарзанд бўлишга, уни асрашга чин дилдан аҳд қилади.

(Давоми 5-бетда.)

Qutlug' ostona



ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНДА	Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ 6-бет	Mustaqillikning 19 yilligiga ХОРАТМИНИ ТОЯТИ 8-9-бетлар	Қўлларда жилоланган камалак ранги 11-бет	«ДЕДАЛ» ЛОЙИХАСИ ёки юлдузлар сари илмий саёҳат 12-бет
--------------------------	--	---	---	--

Биз фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол шахслар бўлиб вояга етишини орзу қиламиз. Уларнинг сиймосида зукко ва билимдон, аини пайтда меҳрибон ва оқибатли шахсни тасаввур этамиз. Ана шу ният билан уларнинг келажаги йўлида қайгураамиз. Бу ўринда эса мусиқий таълимнинг ўрни бениҳоя эканини ҳаётий кузатишлар қайта ва қайта далилламоқда. Республикамиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши эса бу борадаги ишларга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилишига замин яратди.

Улуғ Истиқлолимизнинг 19 йиллик шодиёналари

ЎЗГАЧА КЎРК ОЧГАН МАСКАН

руҳи юртимиз узра кезиб юрган аини кунларда республикаимизнинг турли ҳудудларида янгидан бунёд этилган, капитал реконструкция қилинган бир қатор болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Кун кеча эса пойтахтимизнинг Юнусобод тумани аҳли ана шундай қувончли воқеликнинг гувоҳи бўлишди. Худуддаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактаби тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабнинг очилиш маросимида турли жамоат ташкилотларининг вакиллари, шаҳар,

туман халқ таълими бўлимларининг мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, қувноқ болажонлар жам бўлишди.

— Кўриб турганингиздек, янги бинода болалар билан машғулотлар олиб бориш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди муассаса директори Ноира Гусейнова. — Биз бутун жамоамиз билан бу кунни орзиқиб кутдик. Олдинги биномиз қарийб ўттиз йил муқаддам қурилган бўлиб, турли ноқулайликлар мавжуд эди. Синф хоналари обдон реконструкция қилинган бўлса, фаоллар, концерт заллари, ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат хонаси каби қўшимча хоналар янгидан қурилди.

— Қурилиш давомида мактаб жамоаси билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб меҳнат қилдик, — дея суҳбатимизни давом эттиради бунёдкорлик ишларини олиб борган «Сяди-Қурилиш» фирмаси бош муҳандиси Абдивоид Абдивоҳидов. — Меҳнатимиз фарзандларимизнинг мусиқа маданиятини юксалтиришдек хайрли ишга ҳисса бўлиб қўшилганидан беҳад хурсандимиз.

Тадбир давомида ташриф буюрган меҳмонлар «Ўзбек халқ чолғулари», «Торли-камонли асбоблар», «Фортепиано» сингари бир-бирдан шинам ва ёруғ синф хоналарида бўлишиб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

— Набирам уч йилдан буён шу даргоҳга қатнайди. Унинг мусиқага ошно бўлиб улғаяётгани, айтишим мумкинки, масъулиятли, саранжом-сарошга, ҳар бир ишга нозик дид билан ёндашувчи, меҳрибон қиз бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутиши, табиий. Унинг хатти-ҳаракатлари, муносабатларида ана шундай фазилатларни кўриб суюнаман,



— дея суҳбатимизга қўшилади Зоҳида Шамсиева. — Янги бинонинг фойдаланишга топширилиши эса биз учун ҳам катта хурсандчилик бахш этаётир. Янгича кўрк очган маскандан янги имкониятлар ҳам яратилган.

О. МУРОДУЛЛАЕВА

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



ИСТИҚЛОЛДАН УМРИМ ЗИЁДА

Болалигим, биринчи синфга илк бор қадам босишим, олий ўқув даргоҳидаги илк ҳаяжонли дақиқаларим ва таълим олиш лаҳзаларимнинг ҳаммаси мустақиллик йилларида кечди. Мени истиқлол тарбиялаб, вояга етказди. Шу боис мен том маънода Мустақиллик фарзандиман.

Бу йил Фарғона давлат университетининг биология факультетини аъло баҳоларга тамомладим. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ғолиби бўлдим. Бу ҳаётимдаги энг бахтли онлар бўлиб, умримнинг охирига қадар ифтихор ва фахр туйғуси мени тарк этмайди. Бу Мустақиллик берган олий бахтидир.

Баркамол авлод йилида Ўзбекистон ўқитувчилари сафига қўшилдим. Фарғона шаҳридаги 10-мактабда илк марта мустақил Ўзбекистон ўқитувчиси сифатида иш бошладим. Бу ҳам Мустақиллик берган неъматдир.

Фаолиятимнинг биринчи соати Мустақиллик дарси бўлди. Мени ардоқлаб вояга етказган, оқ ювиб, оқ тараб, ғамхўрлик кўрсатган муқаддас таянчим — жонажон Ўзбекистон ҳақида ёш авлодга кенг тушунча, чуқур билим бериш, мустақил Юртимизнинг бой имкониятлари, меҳнатсевар халқи, мустақиллик йилларида жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, оламшумул қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилиш имкониятига эга бўлдим.

Бу ҳам Истиқлолнинг ўз фарзандига берган улуғ имкониятидир.

2 сентябрь — Билимлар кунини 8 «Г» синфининг 34 нафар ўқувчисига Ватан тушунчасини чуқур сингдиришга ҳаракат қилдим. Бу дарсга узоқ вақт тайёргарлик кўрдим. Мактабдаги тажрибали ўқитувчилар — З.Тешабоева, Д.Соҳибова, Ш.Ҳамзаева, Г.Иброҳимовадан маслаҳат олиб, уларнинг йўл-йўриқлари асосида мавзунини тўлақонли ёритишга ҳаракат қилдим. Дарс давомида барча синф ўқувчилари фаоллик кўрсатди. Юртимиздаги ислохотларга доир ҳужжатли фильмдан парчалар намойиш этдим, кўргазмали қуроллар, шунингдек, электрон дарс ишланмаси, ютуқ ва муваффақиятларимиз акс этган рангли плакатлардан унумли фойдаландим. Айниқса, дарс учун тайёрланган дидактик тарқатма материалларим мустақамлаш қисмида алоҳида аҳамият касб этди.

Айниқса, дарс сўнггида устозим, тажрибали педагог Дилбархон Соҳибова айтган куйидаги сўзлар мени руҳлантирди: «Энг асосийси шуки, синфдаги барча ўқувчилар онгида мустақил Ўзбекистон ва ўтган 19 йил давомида халқимиз кўлга киритган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот ҳосил бўлди. Дарс мобайнида ҳар бир ўқувчи ўзини Ўзбекистон фарзанди эканидан фахрланаётганини намойиш этди».

Хосиятхон МИРЗААҲМЕДОВА,
Фарғона шаҳридаги 10-мактаб
биология фани ўқитувчиси

2010-yil — Barkamol avlod yili

Наманган шаҳри марказидаги «Тинчлик стелласи» пойида ўн олти ёшга тўлган бир гуруҳ йигит-қизларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Баркамол авлод йили Наманган вилояти ёшлари ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ўтган йили вилоятга ташрифидан сўнг амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайишига хизмат қиладиган кўплаб ижтимоий объектлар барпо этилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

«Ёшлар маркази»нинг қуриб битказилиши, вилоят ахборот-ресурс кутубхонасининг реконструкция қилиниши, янги барпо этилаётган «Камолот» ёшлар боғи, стадион ва сузиш ҳавзаси, шунингдек, кўплаб спорт турлари билан шуғулланиш имкони яратилган «Ёшлар спорт

ЁШЛАРГА ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

мажмуаси» ва бошқа бир қатор коллеж, мактаб ҳамда спорт иншоотлари Баркамол авлод йилида наманганлик ёшларга муносиб тўхфа бўлди. Бу, албатта, ёшлар олдида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажақда она Ватан, халқ манфаати йўлида камарбаста инсонлар бўлиб етишишдек масъулиятли вазифани кўяди.

Тадбирда вилоят ички ишлар, адлия, ўрта махсус, касб ҳунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, қасаба уюшмалари вилоят кенгашлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вилоят бўлимлари вакиллари иштирокида 120 нафар ўғил-қизга фуқаролик паспортлари топширилди.

— Паспорти — ифтихорим, — дейди Наманган туманидаги иқтисодиёт коллежининг биринчи босқич ўқувчиси Мадина Собирова. — Чунки паспорт шу муқаддас Ватанинг фуқароси эканлигимдан шаҳодат берувчи, она юртимдаги мустақил ва эркин ҳаётимнинг кафолатидир.

Шу кун вилоятнинг барча туманларида ёшларга фуқаролик паспортларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири

«БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ» САДОСИ

ЎҚУВЧИЛАРНИ БИЛИМ ОЛИШГА ЧОРЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ТЎЙ МЕҲМОНЛАР БИЛАН ФАЙЗЛИ

Юнусобод туманидаги 272-мактабда ўтказилган тадбирда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижалари хусусида тўхталиб, иштирокчиларни байрам билан қутлади.

Корея Республикасининг юртимиздаги мухтор элчиси жаноб Жон Де Ван ҳам йиғилганларни байрам билан қутлар экан, бугунги ёшларга ҳукуратимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

— Азиз ўқитувчилар ва ўқувчилар, сизларни Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллиги билан муборакбод этаман, — деди элчи жаноблари ўз сўзида. — Ўзбекистон азалдан буюк давлат, Сиз эса бу юртининг келажагисиз. Истиклолнинг илк йилларидан юртингизда таълим соҳасида мисли кўрилмаган қамровдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга кўпчилиكنинг ҳаваси келади. Ушбу жараёнда ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётганимиздан биз ҳам фахрланамиз. Халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам мустақамланиб боришига ишонаман.

Корея телеком компанияси вице-президенти Ким Хан Сук табрик сўзидан сўнг мактабга 15та компьютер техникаси тўплами сертификати ҳамда ўқувчилар учун 30та баскетбол ва волейбол коптогини топширди.

Ўзбек қизи ихросидаги корейс миллий рақси намойиши йиғилганларга, айниқса, меҳмонларга манзур бўлди. Ва ниҳоят янги ўқув йилининг бошланганидан дарак берувчи биринчи кўнғироқ садаolari янграб, ўқувчилар ўз синф хоналари сари йўл олдилар. Кореялик меҳмонлар ҳам мактабда яратилган шарт-шароит, ҳар йили 1-синф ўқувчиларига тақдим этиладиган Президент совғаларини топшириш аъёнаси дарсликлар таъминоти масалалари билан яқиндан танишдилар. Меҳмонлар информатика хонасида бўлиб, компьютер синфидаги шароитни кўздан кечирдилар.

— Компьютерлар хотирасига 70га яқин электрон дарслик, мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг "Ахборот-таълими портали" жойлаштирилган. Унда меҳнат, физика, биология, она тили ва адабиёт каби фанларга оид зарурий маълумотлар, электрон дарсликлар ўрин олган. Мактаб ўқувчилари интернет тармоғи орқали дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлиш имкониятига эга, — дейди мультимедиа маркази бош мутахассиси Азамат Ҳайдаров.

Таъкидлаш жоизки, 14 нафар ўқувчига мўлжалланган мазкур технологияларни ўрнатилган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш лойи-

ҳаси" асосида 14 минг 796 АҚШ доллари ажратилди. Ушбу ўқув йилида мамлакатимиздаги 1553та мактаб шундай технология билан жиҳозланиши режалаштирилган. Бунинг учун Ўзбекистон ва Корея давлатлари ўртасида 30 миллион АҚШ доллари миқдоридagi лойиҳа имзоланган. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 960та, "Баркамол авлод йили" давлат дастури асосида 2228та мактаб замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Шубҳасиз, энг сўнги русумдаги компьютер технологиялари билан таъминланган таълим даргоҳи янада юксалади.

ТАЯНЧ МАКТАБДАГИ ТАНТАНА

Мактабга биринчилардан бўлиб етиб келган муассаса директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Қизларсора Маҳмадова эрта тонгдан тадбирга тараддуд кўрди. Ўқувчиларни бирма-бир кутиб олар экан, кўзлари беихтиёр тўп-тўп бўлиб турган кизалоқ ва ўғлонларга тушди. Эта биринчи синфнинг 85 нафар ўқувчиси худди онасига талпинган полапонларга ўхшаб ўқитувчисини ўраб олишибди. Нигоҳларида бир олам ҳайрат, мактаб — улар учун ҳали кашф этилмаган макон.

Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси ижро этилганидан сўнг Ҳамза туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабининг энг кенжа иштирокчилари—биринчи синф ўқувчилари ҳовли саҳни бўйлаб айланиб чиқдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган кишининг кўнгли беихтиёр фахр-ифтихор ҳисларига тўлади: Ўзбекистоннинг келажагини, тараққиётини таъминлайдиган, унинг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлайдиган, керак бўлса, жонини қалқон қиладиган авлодлари бор. Улар учун нимаики зарур бўлса, муҳайё.

700 нафар ўқувчини ўз бағрига олган мазкур таълим масканининг ўтган ўқув йили охирида бошланғич таълим бўйича таянч мактаб сифатида эътироф этилиши «Билимлар кунига» бағишланган тадбирда ҳам сезилиб турди.

— Янги ўқув йилида 2та кластер синфини ташкил этдик, — дейди тадбирда сўз олган мактаб раҳбари Раҳима Бобононова. — Ахборот-ресурс марказига 2 миллион сўмлик ўқув ва илмий адабиётлар келтирилди. Буларнинг ҳаммаси Сиз учун, Сизнинг билим чўққиларини забт этишингиз учун, азиз ўқувчилар!

«Биринчи кўнғироқ» садаolari билан мактабдаги 27та синфда 55 нафар ўқитувчи бошчилигида мазмунан бойитилган ва алоҳида тайёргарлик кўрилган илк сабоқлар — Мустақиллик дарси бошланди.

ТАНТАНАДА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Сергели туманидаги 304-мактабда ўз фаолиятини бошлаш арафасида турган ёш педагог Адибахоннинг исм-фамилияси эълон қилиниши билан у ўзгача гурур билан даврага

чиқди. У бу йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг бошланғич таълим факультетини тамомлаган ёш мутахассислардан.

Туман халқ таълими бўлими вакили Дилноза Қодированинг кўлидан бакалаврлик дипломини қабул қилиб олган ёш ўқитувчини ҳамма кузатиб турарди. У педагогик амалиётни шу ерда ўтаган. Университетни тамомлагач ҳам ана шу даргоҳга талпинди: у жамоани билади, жамоа ҳам уни танийди.

Тажрибали ҳамкасблари ва кўп сонли ўқувчилар олдида қасамёд қабул қилган Адибахон Бобохонованинг шаънига олқиш ёғилди. Сўнгра муаллима барча ҳамкасблари қатори ўзига бириктирилган синфга йўл олди.

БИЗНИ ЯНГИ БИЛИМЛАР КУТМОҚДА

Тошкент ислом университетининг мажлислар залига ўрнатилган катта экранда мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёд этилган иморатлар бор бўй-басти билан намён бўлди. 19 йил давомида юртимизда гурурланишга арзийдиган ишларнинг амалга оширилгани, жаҳон мамлакатлари қаторида кўлга киритилган ютуқлар юракларни фахр туйғусига тўлдирди. Университетнинг хорижий тилларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактабидаги Мустақиллик байрами ҳамда Билимлар кунни тантаналари ана шундай давом этди.

Тадбирда сўз олган ота-оналар ва ўқитувчилар мустақилликнинг моҳияти, юртимизда олиб борилаётган ишлар, таълим тизимида эришилган ютуқлар ҳақида гапирдилар. Бир гуруҳ ўқувчилар эса барча йигит-қизларни истиклол берган имкониятларга жавобан мукамал билим эгаллашга, юрт ишончини оқлашга чорлади.

— Ўғлим Абдуносир 2-синфга қабул қилинди, — дейди Фотима Носирова фахр билан. — У бир йил давомида Собир Раҳимов туманидаги 159-мактабда ўқиди. Энди ўқишни шу ерда давом эттиради. Абдуносир ҳали кичкина бўлса-да, ихтисослашган мактабдаги қийинчиликлардан чўчиётгани йўқ. Эрталабдан мактабга ошиқди. Билимлар кунинда барча ўқувчиларга омад тилайман.

— Исмин Зухра, бу ерда ҳали ҳеч ким билан таниш эмасман. Шунинг учун ҳам бироз ҳадиксираяпман, — дейди ораста кийинган, ҳаяжондан кўзлари пирпираётган кизалоқ. — 50-мактабда аъло баҳоларга ўқиб, имтиҳон асосида бу ерга ўқишга қабул қилиндим. Янги мактаб, янги устозлар, янги синфдошлар ва янги билимлар... Буларнинг барчаси қизиқарли.

Таълим даргоҳи янги ўқув йилида 468 нафар ўқувчини ўз бағрига чорлади. Уларнинг 180 нафари бу ерга дастлабки қадамини қўйди. Имтиҳон асосида 2-синфга 60 нафар, 5-синфга эса 120 нафар ўқувчи қабул қилинди. Тадбирда бу ўқувчилар билан биргаликда уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди. Куйлар



кўшиқларга, кўшиқлар-рақсларга уланди. Кўтаринки кайфиятда бошланган байрам шодиёналари барчага завқ-шавқ бағишлади.

КУТЛУФ ҚАДАМ САОДАТИ

Президент совғасини қучганча қалбидаги бир олам ҳаяжонни яшира олмаётган Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 14-мактабнинг 114 нафар 1-синф ўқувчиси опа-акаларининг кўлларидан тутганча атрофга, мактабнинг улғувор биноси ва самимий, меҳрибон устозларга ҳайрат билан тикилади. Бугун Билимлар кунини илм-фан оламига давват этиб биринчи кўнғироқ жаранглайди...

Таълим муассасасида бўлиб ўтган юртимиз мустақиллигининг 19 йиллиги, Билимлар кунини байрами нафақат 1-синф ўқувчилари, балки мактабнинг 800 нафардан зиёд ўқувчиси, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар ва таширф буюрган меҳмонларнинг ҳам қалбини олам-олам қувончга тўлдирди.

— Мазкур ўқув йилида 17 нафар 6 ёшли ўқувчи туман ташхис маркази тавсияномасига биноан 1-синфга қабул қилинди, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Тоҳир Қораев. — Айни дамда мактабимиз янги ўқув йилига тайёр, ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Яна бир эътиборли жиҳат, бу йил билим даргоҳида уч нафар олий маълумотли ёш ўқитувчи иш бошлади.

БАХТЛИ КЕЛАЖАККА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Зомин туманидаги 15-мактабда билимлар кунига бағишлаб ўтказилган биринчи кўнғироқ танталари ўқувчи-ёшлар ҳаётида ҳам ўчмас из қолдиргани аниқ.

— Кўзларимга севинч ёшлари келди, — дейди тадбирга таширф буюрган онахон Дилсора Раҳматуллаева. — Ўзим шу мактабда ўқиганман. Деворлари нураб ётган, ёгингарчиликда «чакка» ўтган хоналар кўз ўнгимда. Кишининг қаҳратон кунларида мактабга бормасликни афзал кўрардик. Бугунги мактаб бутунлай бошқача. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фарзандлари мизнинг кучли, билимли, доно бўлиб вояга етишлари учун

жамики шароит бор. Бунга жавобан, улар пухта билим эгаллашлари, юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етишлари керак.

Ушбу таълим муассасасида тумандаги марказлашган Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. АРМ бугунги кунда компьютер техника воситалари билан жиҳозланган. У тумандаги 9та АРМ фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб туради, уларни керакли методик қўланмалар ва ахборотлар билан таъминлайди. Шунингдек, марказ маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолига ҳам хизмат кўрсатиши йўлга қўйилган. Мактабдаги ушбу марказда 12 мингга яқин китоб фондига эга кутубхона ва ўқув зали мавжуд.

БАЙРАМ МАҲАЛЛАНИКИ ҲАМ

Байрамона руҳда безатилган Иштихон тумани Оқтепа қишлоғидаги 92-умумтаълим мактаби ҳовлиси оқтепалик кекса-ю ёш ҳамда меҳмонлар билан билан гавжум. Мактаб директори Норқобил Юсупов йиғилганларни кўшалоқ байрам — Истиклолимизнинг 19 йиллиги ҳамда Билимлар кунини билан табриклади. Янги ўқув йилида мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчилар олдида турган муҳим вазибаларга тўхталди.

Сўзга чиққан ота-оналар — Қобилжон Юзбоев, Гулнора Мавлонова, туман ХТБ назоратчиси Нурилла Ёлғошев, туман ИИБ ходими Мустафо Шариповлар ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва яратилган шароитлар учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этишди.

— Билимлар кунини байрамини нишонлаш бўйича тумандаги 93та умумтаълим мактаби, Эта мактаб-боғчада чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ХТБ худудий назоратчиси Жамол Убайдуллаев. — Тадбирларда 3762 нафар ўқитувчи-мураббий, 4015 нафар 1-синф ўқувчиси, 36325 нафар 2—9-синф ўқувчиси иштирок этишди. Барча мактабларда Мустақиллик дарслари юқори савияда ташкил этилди.

Хулкар ТҶИМАНОВА,
Башорат ОТАЖОНОВА,
Ғолиб БАҲРОМОВ,
Санжар РУСТАМОВ,
Абдусаттор СОДИҚОВ,
Ҳаким ЖҶРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

АХДИ ҚАТЪИЙ ЎҒЛОНЛАР ЎЗ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ БУРЧНИ АДО ЭТИШГА БЕЛ БОҒЛАШДИ

«Харбий қасамёд — бу шунчаки расмий тadbир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғ-

Тадбирда тегишли вазирилик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, курсантларнинг ота-оналари иштирок этишди. Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғи ўринбосари Исроил Мирзаев тadbирни очар экан, мамлакатимизда Куролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самара бераётгани, ҳарбий қисм ва билим юртларида ёшларнинг пухта билим олиши, хизмат қилиши учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари Тоҳир Ҳамроқулов, ТАТУ профессори Неъматулла Мўминов, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Р.Шералиев, курсантлар ота-оналари номидан сўзга чиққан О.Раҳмонова ҳам курсантларни ушбу қутлуғ кун билан табриклаб, уларга шараф-

ли ва масъулиятли хизматида куч-қувват, матонат ёр бўлишини тилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Ҳарбий таълим тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармойишига асосан олий ҳарбий билим юртларида офицер кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш, ҳарбий касб нуфузини юксалтириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ёшларнинг соҳага қизиқишлари ортмоқда.

Куролли Кучларимизнинг мард ва жасур, шижоатли, Ватан ҳимоясига ҳамиша шай ту-

радиган кадрлар билан тўлдирилишида етакчи олий ҳарбий таълим масканлари қатори ТАТУ махсус факультетининг ҳам ўз хиссаси бор. Мазкур даргоҳда асосан ҳарбий алоқачилар тайёрланади.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди андижонлик Фарҳод Бурҳонов. — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослашган мактабда ўқиб юрган кезларимда ушбу соҳага меҳрим ортган. Мана, махсус факультет курсантиман. Мақсадим — бутун куч ва имкониятимни ишга солиб, намунали офицер сифатида ватанимга, халқимга сикидилдан хизмат қилиш.

Фарҳод каби нияти ёруғ, аҳди қатъий йигитлар Ватан пойида халқимизга, Президен-



тимизга содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

Зотан, давлатимиз раҳбари ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек:

лаб, аҳду паймон қилиш маросимидир».

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.**

ТЎЙГА ТЎЁНА

Тошкент шаҳри Турин политехника университети ҳовлиси ота-оналар, талабалар, ўқувчилар, ўқитувчилар билан гавжум бўлди. Сабаби, мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодиёналарига қувончли воқеа қўшилди, яъни университет қошидаги янги академик лицейнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида сўзга чиққан университет ректори Кўнғиротбой Шарипов академик лицейнинг илк ўқувчиларини ўқишга қабул қилинганликлари билан қутлади ҳамда яратиб берилаётган бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажакда Ватанимиз равнақи учун муносиб кадрлар бўлиб етиштишларига тилакдош эканини билдирди.

— Ўрта Осиёда ягона бўлган Турин политехника университетининг очилиши баробарида унинг қошида академик лицей-

нинг ташкил қилингани ҳар бир иштиёқманд, иқтидорли ёшларимизни қувонтирди. Ана шундай зукко, интеллектуал салоҳиятли, чет тилларни мукамал эгаллаган 150 нафар ўғил-қизни илм даргоҳимизга қабул қилдик, — дейди академик лицей раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Равшан Бозоров. — Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, инглиз тилига, чуқурлаштирилган аниқ фанларга йўналтиришни ният қилдик. Шу ўринда, уларга дарсларни Турин политехника университетининг етакчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилари ҳам олиб боришади.

— Ўғлим Шухрат Холматов пойтахтимиздаги 274-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тугатди. Айниқса, унинг аниқ фанларга бўлган қизиқиши эътиборимни тортди. Янги академик лицейнинг очилишини эшитиб хур-

санд бўлдик, — дейди ота-оналардан бири Назокат Ҳасанова. — Энди у бу даргоҳда ўқиб, билимларини тўлдиради. Фарзандларимиз камоли учун яратиб берилган бундай имкониятларни кўриб, келгусида уларнинг ўз касбининг устаси бўлиб етишичиқишларига ишончим комил.

Академик лицейга қабул қилинган ўқувчилар орасида Сардор Хўжамқулов ҳам бор. У мактабда, туманда ўтказилган фан олимпиадаларида яхши натижаларни қўлга киритган. Келажакда автодизайнер бўлишни кўзлаган қаҳрамонимиз бизга ёшлигидан автомашиналар турига қизиқишини, уларнинг суратини йиғиб боришини, ўзи ҳам ана шундай автомашина яратиш ниятида эканини билдирди.

Байрам сўнигида ўқувчилар аудитория ҳамда ўқитувчилари билан танишишга киришиб кетди.

Ҳ.РАҲАБОВА

БАРКАМОЛ АВЛОДЛАР ТАФАККУРИ

— Биринчи дарс мустақиллик дарси бўлди, — дейди Урганч давлат университети талабаси Матлуба Жуманиёзова, — мен ушбу олий таълим муассасасига энг юқори — 190 балл билан ўқишга кирдим. Хива туманидаги 8-умумтаълим мактабда ўқидим. Кейин УрДУ қошидаги 4-академик лицейда таҳсилни давом эттирдим.

— Табиатшунослик факультетининг биология йўналишида биринчи босқич талабаларига биология фанидан дарс ўтаётирман, — дейди Қаҳрамон Раззоқов, — ўғил-қизларнинг иқтидори, дунёқараши, фикрлаш доираси яхши. Ўқишга ихлоси бўлган ёшлар билан дарс ўтиш жуда мароқли.

Юртимизнинг салоҳиятли ёшларининг илк машғулотлари Мустақиллик дарслари билан бошланди. Истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш мақсадидаги дарслар қизиқарли эди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

«ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙМИЗ»

Ички ишлар вазирилик Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабда биринчи босқичга қабул қилинган курсантларнинг тантанали қасамёд қабул қилишга бағишланган тadbiri бўлиб ўтди. Бу маросим бевосита Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги байрамига улашиб кетди.

Маросимни мактаб бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Жамшид Исроилов очар экан, жумладан, шундай деди: «Бу азамат йигитлар ўт ўчирувчилик касбини танлаган илк кунларидаёқ, унинг қийинчилик ва машаққатларини кўз олдига келтирганликлари, Ватанига, халқига садоқат билан хизмат қилишга ўзларини тайёрлаганликлари бежиз эмас. Бугунги тadbир бундай олижаноб вазибаларнинг улар томонидан қанчалик чуқур ҳис этилганлигини намоён этиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Шундан кейин биринчи босқич курсантлари бирма-бир қасамёд қабул қилишди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейте-

нант Баҳодир Матлюбов қасамёд қабул қилган йигитларни кўшалок байрам билан табриклади. Шунингдек, ўқиш ва жамоат ишларида ўрнатилган кўрсатган, махсус стипендияга муносиб топилган бир гуруҳ курсантларга Ички ишлар ва-

зиригининг Фаҳрий ёрлиғини топширди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, курсантлар Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу гоёси би-

лан нишонланаётгани, мамлакатимизда инсон қадрли юксакларга кўтарилаётгани, Президентимиз томонидан ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, улар камоли учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинаётгани тўғрисида гапирдилар.

— Ўғлим Алишер Ҳидоятлов она Ватанини кўриқлагувчи посбон бўлишга шайланиб турибди, — дейди ота-оналардан бири, Абу Райҳон Беруний номидаги ТДТУ ўқитувчиси Муяссар Сайдалиева. — Ота-она учун бундан ортиқ бахт йўқ. Фарзандимнинг мустақил юрт қорига яраётганидан хурсандман.

— Иним Куатбой Аметов ички ишлар ходимларининг тантанали қасамёдини қабул қилар экан, энг аввало, халқимиз осойишталигини асраб-авайлашга, жонажон ватанимиз

тинчилиги учун, мамлакатимиз Президенти учун кўксимни қалқон қилишга тайёрман, дея тантанали қасамёд қилаётганда, очиги, кўзимда қувонч ёшлари қалқиган бўлса, — дейди нуқуслик Шаригул Аметова, — бу ўқув масканидаги шарт-шароитларни кўриб, яна бир қувондим. Хуллас, укам келажакда зиммасидаги асосий вазифа — ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим олиб, хизмат ва касб сир-асрорларини сабот билан ўрганиб, жаҳон андозалари талабаларига жавоб бера оладиган мутахассис бўлиб етишади ва Ватан тинчилигини асраб-авайлашдек масъулиятли, аини дамда шарафли хизматини аъло даражада бажаради, деб айта оламан.

Тантанали қасамёд маросими якунида ота-оналар фарзандларини қутлашди, биргаликда концерт дастурини томоша қилишди.

**Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ**

**Владимир ГРАНКИН
олган сурат.**



Боланинг соғлом вояга етишида унинг ўз вақтида ва соғлом овқатланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 20 августида қабул қилинган «Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айна шу жиҳатдан зарур ҳужжат бўлди. Қарорда таъкидланадики, белгиланган муддат ичида тегишли вазирлик ва идо-

ралар «Умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари таълим олувчиларининг хавфсиз овқатланишини ташкил этишга доир санитария-эпидемиология талаблари»ни ишлаб чиқишлари зарур. Ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган буфет ва ошхоналарда сифатли, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотувининг йўлга қўйилиши асосий талаблардан бири ҳисобланади. Ўқув йилининг бошидан бошлаб овқатланишни ташкил этиш борасидаги фаолият фақат тан-

лов асосида юридик шахс мақомига эга бўлган тadbиркорлик субъектлари томонидан ва танлов асосида амалга оширилади.

Соғлом овқатланишни ташкил этиш билан боғлиқ барча вазифалар Вазирлар Маҳкамасининг 184-сонли ушбу қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қуйидаги Низомда кўрсатиб берилган.

Rasmiy bo'lim

Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида (кейинги ўринларда «таълим муассасалари» деб юритилади) соғлом овқатланишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ошхона, буфет, кафетерий, кафе (ёзги кафе), чойхона ва кичик ошхоналарда (кейинги ўринларда «ошхоналар» деб юритилади) белгиланган санитария-гигиена талабларига кўра овқатланишни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур Низом таълим муассасалари ҳудудлари доирасида фаолият юритувчи ошхоналарга татбиқ этилади.

3. Умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг талабалари (кейинги ўринларда «ўқувчилар» деб юритилади) соғлиғини ҳимоя қилиш, таркибида зарарли моддалар бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишнинг олдини олиш таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

4. Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг физиологик ёшига, мавсумга (ёз, қиш даврлари) мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда рационал овқатланишни таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш;

ўқувчилар ўртасида овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг оммавий тарқалишига йўл қўймаслик;

ўқувчилар ўртасида соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш;

таълим муассасалари ошхоналарида сотилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишнинг олдини олиш;

ўқувчилар учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда уларнинг арзон нархларда сотилишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлашда санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига қатъий риоя этиш.

5. Таълим муассасалари ошхоналарида Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ инсон соғлиғи учун зарарли моддалар бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш қатъий тақиқланади.

II. Таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш

6. Таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш юридик шахс мақомига эга бўлган тadbир-

корлик субъектлари (кейинги ўринларда «юридик шахслар» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

7. Танловни ташкил этиш, ўтказиш ва қолибларни аниқлаш ишлари умумтаълим муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси, олий таълим муассасаларида олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланадиган танлов комиссиялари томонидан амалга оширилади.

8. Танлов комиссияси камида беш кишидан иборат таркибда умумтаълим муассасаларида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири, академик лицей ва касб-хунар коллежларида академик лицей ва касб-хунар коллеж директори, олий таълим муассасаларида олий таълим муассасаси ректори, туман (шаҳар) молия бўлими, давлат Санитария-эпидемиология назорати маркази ва таълим муассасаларининг вакиллари билан шакллантирилади.

Умумтаълим муассасаларида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири, академик лицей ва касб-хунар коллежларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари директори, олий таълим муассасаларида олий таълим муассасаси ректори танлов комиссиясининг раиси ҳисобланади.

9. Танлов ўтказилиши ҳақида танлов ўтказилишидан камида бир ой олдин вилоят ёки туман (шаҳар) оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

10. Танлов янги ўқув йили бошлангунга қадар ўтказилиши шарт.

Танлов ҳар ўқув йили учун ўтказилади.

11. Ижара шартномаси ва бошқа мажбуриятларни лозим даражада бажарган юридик шахслар билан келгуси йил учун шартнома муддати, танлов комиссияси қарорига асосан танлов ўтказмасдан узайтирилиши мумкин.

Шартнома муддатини узайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

12. Танловда иштирок этиш учун талабгорлар танлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотномаси; махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича ма-

лакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

13. Танлов комиссияси томонидан аризаларни кўриб чиқиш ариза тақдим этилган санадан бошлаб бир ойдан ортқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

14. Танлов комиссияси аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича таклифни маъқуллаш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

15. Танлов комиссияси томонидан маъқулланган талабгор билан шартнома тузиш ҳақида таълим муассасаларига хабар берилади ва комиссия қарори манфаатдор тарафларга ўн кун муддатда тақдим этилади (ёки алоқа воситалари орқали юборилади).

16. Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг, Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларининг, олий таълим муассасалари ректорларининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш ва натажаларини умумлаштириш;

тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таълим муассасаларида сифатли ва хавфсиз овқатланишни ташкил этиш ҳақида таклифлар киритиш;

таълим муассасаларида умумий овқатланиш қоидаларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш;

таълим олувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш.

III. Давлат мулкининг ижара шартномасини тузиш

17. Танлов комиссияси қарорига мувофиқ таълим муассасалари ва талабгорлар ўртасида овқатланишни ташкил этиш шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган ижара шартномаси тузилади.

18. Ижара шартномаси ижарага берувчи, (Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Давлат мулки ижарага олиш ва балансда сақловчи ўртасида тузилади.

19. Ижара шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

ижарага берилаётган давлат мулкининг таркиби ва қиймати;

ижара муддати;

ижара тўловининг ставкаси ва умумий миқдори, уни тўлаш шартлари ва муддатлари;

давлат мулкининг ҳолати ва ижарага берувчи уни ижарага олувчига бериши керак бўлган муддат;

ижарага олувчи томонидан дав-

лат мулкидан фойдаланиш, шу жумладан коммунал тўловларни ва бошқа фойдаланиш тўловларини тўлаш шартлари;

шартнома тўхтатилгандан кейин давлат мулкини қайтариш ҳолати ва тартиби;

ижарага олинган давлат мулкини тиклаш ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлар;

ахборотлар ҳажми ва уларни ижарага берувчига тақдим этиш муддатлари;

ижара шартномасини, шу жумладан ижара тўловларини тўлаш муддатлари бузилиши муносабати билан бекор қилиш шартлари; томонларнинг жавобгарлиги; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

20. Ижара шартномасини бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартнома имзоланган вақтдан бошлаб, ижарага берилган мулкни ижарага берувчидан талаб қилишга;

ижарага берувчи билан келишган ҳолда, унинг розилиғи билан ижарага олинган мол-мулк таркибига унинг қийматини оширадиган ўзгартишлар киритишга;

ижарага олинган мол-мулкни реконструкциялаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан жиҳозлашга ҳақлидир.

22. Ижарага олувчининг мажбуриятлари:

ижарага олинган мол-мулк (бино, хона)дан мақсадли фойдаланишга; ижарага олинган мол-мулк (бино, хона) таркибига ўзгартириш киритиш, реконструкция қилиш ва техник жиҳозлашдан олдин ижарага берувчининг ёзма розилиғини олишга;

хомашё ва маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаш чораларини кўришга;

ижарага олинган мол-мулк (бино, хона)дан фойдаланишда санитария қоидалари ва нормаларига риоя қилишга;

ижара шартномаси бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга;

ижара шартномаси бўйича барча тўловларни ўз вақтида амалга оширишга;

ижара муддати тугагандан кейин ижарага берувчининг талабига кўра мол-мулк (бино, хона)ни ижарага берувчига белгиланган тартибда топширишга;

мол-мулк (бино, хона)ни ижарага берувчининг рухсатисиз иккиламчи ижарага бермасликка мажбурдир.

Ижарага олувчи томонидан ушбу мажбуриятларнинг бузилиши, қонунчиликда белгиланган тартибда ижара шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

IV. Яқунловчи қоидалар

23. Мазкур Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш таълим муассасаси маъмурияти ва тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

24. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Андижон вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кейинги йилларда педагог ходимлар касбий маҳоратини оширишни янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор янгиликларга асос солиндики, бу тингловчилар фаоллигининг ошаётганида, курсдан кейинги даврда малака оширган педагогнинг ижобий самараларга эришаётганида кўринмоқда. Институт ректори, фалсафа фанлари номзоди Қ.ИБАЙДУЛЛАЕВ мухбиримизга ана шу ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди.

Педагогларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжлари таълим муассасаси, туман, шаҳар методика кабинетлари томонидан аниқланиб, вилоят халқ таълими бошқармасида умумлаштирилиб, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига буюртма сифатида ҳавола қилиб берилмоқда. Булар институт иш режасида ўз аксини толган.

Институтнинг 2010 йил учун иш режаси туман халқ таълими бўлимлари, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, вилоят халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазири томонидан тасдиқланган. Унда 2010 йилда режалаштирилган 7000 нафар педагогнинг малакасини ошириш учун 34та мутахассислик бўйича ўқув режалари ва ўқув дастурлари тuzилган. 2010 йилнинг 6 ойида 4200 нафар педагогнинг малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, у ярим йилда 4154 нафарга (99 фоиз) бажарилган.

Халқ таълими вазириликнинг тавсияларига асосан жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб барча малака ошириш курслари ўқув-мавзу режаларига мутахассислик фанлари блокага ўзгартириш киритилди, яъни мутахассислик фанлари 54 соатдан 82 соатга кўпайтирилди. Демак, тингловчилар

малака ошириш учун белгиланган 144 соат миқдорига ўз мутахассисликлари бўйича энди кўпроқ билим олиш имкониятига эга бўладилар. Айниқса, амалдаги режага нисбатан такомиллашган ўқув-режада илғор педагогик технологиялар 24 соат, ахборот технологиялари 12 соат, тинглов-

«Институт ихтиёридаги фанларга 8 соат ажратилган. Мазкур фанлар илмий салоҳиятли, катта тажрибага эга бўлган, мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан ўқитилишига эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Ижтимоий фанлар» блокадаги «Иқтисодиёт масалалари»ни иқтисод фанлари номзодлари, доцентлар М.О.хунов, И.Сулаймонов, «Давлат ва ҳуқуқ асослари»дан ҳуқуқшунос Э.Азимов ҳамда Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, бир неча дарсликлар муаллифи О.Омонова, «Миллий гоё ва маънавият асослари» фанидан сиёсий фанлар доктори К.Ю.нусов, филология фанлари доктори, профессор К.Жўраев, фалсафа фанлари номзодлари Ш.Валиев, М.Назаров томонидан машғулотлар интер-

масалалари» курсидан халқ таълими тизимида психологик хизмат, психодиагностика методикасидан фойдаланиш, ёш даврлари психологияси, қобилият, педагогик қобилиятларни ривожлантирувчи психотренинг, ўқувчилар жамоаси ва оиладаги шахслараро муносабатлар, этнопсихология масалалари, ўқув фаолиятини бошқариш психологияси, шахс шаклланишининг умумий психологик қонуниятлари бўйича билимлар берилаяпти.

«Ахборот технологиялари ва улардан фойдаланиш» фанини ўрганиш энг долзарб масалалардан бўлиб, унга 8 соат ажратилган. Ушбу дарсларни ташкил этишда ахборот-коммуникацион технологияларни янада ривожлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республи-

Malaka oshirish

А.Мамадалиев, педагогика фанлари номзодлари, доцентлар Р.Қодиров, Қ.Юнусов, А.Аҳлимирзаев ҳамда М.Абдуллаева томонидан самарали ташкил қилинмоқда. Мазкур фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун олий таълим муассасаларидан таниқли олимлар: филология фанлари докторлари, профессорлар А.Нурматов, А.Собиров, касб-хунар коллежларидан олий тоифали ўқитувчилар Ф.Сафарова, умумтаълим мактабларидан Андижон шаҳридаги 43-мактаб олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Г.Хожиматова, Асака туманидаги 26-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби А.Мирзааҳмедов, Олтинқўл туманидаги 28-ДИМИ олий тоифали математика фани ўқитувчиси Т.Бўронова каби кўплаб тажрибали педагоглар ҳам назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтиш учун таклиф қилинган.

Малака ошириш курсларидаги амалиётлар Андижон давлат университети, Андижон давлат тиллар педагогика институти ҳамда унинг қошидаги академик лицей, Олимпия захиралари спорт коллежи базаларида ўтказилади. Шунингдек, бу соҳада 25та умумтаълим мактаби таянч мактаблари этиб белгиланган. Бир сўз билан айтганда, институт профессор-ўқитувчилари педагог ходимлар касбий маҳоратини оширишни янада такомиллаштириш, улар малакасининг сифат ва самарадорлигини кўтаришда ижодкорлик ва ғайрат билан ишлашни астойдил мақсад қилиб олганлар.

Орифжон СИДДИКОВ
ёзиб олди.

ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР КАСБИЙ МАҲОРАТИ

янги ўқув йилида бу омилга алоҳида эътибор берилади

чиларнинг шахсий эҳтиёжлари асосида танланма мавзулар 6 соат ўқитилиши малака ошириш самарадорлигини таъминлайди.

Малака оширишнинг дастлабки кунлари тингловчилардан кириш тести олиниб, унинг натижалари асосида ўқитувчилар билимидаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида ва тингловчиларнинг талаблари асосида ўқув-режаларига айрим ўзгаришлар киритилмоқда.

Ўқув дастурлари 4 блокдан иборат бўлиб, «Ижтимоий фанлар»га 26 соат, «Умумқасбий фанлар»га 28 соат, «Мутахассислик фанлари»га 82 соат,

фаол, илғор педагогик технология ва инновацион методлар асосида ташкил қилинмоқда.

«Умумқасбий фанлар» таркибидаги «Педагогиканинг долзарб масалалари» курсини ўқитишда педагогиканинг назарий-методологик асослари, халқ педагогикасининг асосий йўналишлари, узлуксиз таълим, таълим мазмунини шакллантириш, таълим принциплари, функциялари, методлари ва воситалари, ҳамкорлик педагогикаси ва унинг асосий масалалари юзасидан билимлар берилмоқда.

«Психологиянинг долзарб

каси Президенти фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Халқ таълими вазириликнинг меъёрий ҳужжатлари, таълим тизимига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш истиқболлари ҳақида маълумот, компьютер қурилмалари ва вазибалари, дастурлардан таълимда фойдаланиш юзасидан маълумотлар берилмоқда.

Мутахассислик фанларидан машғулотлар физика-математика фанлари доктори, профессор С.Зайнобидинов, техника фанлари доктори, профессор Н.Тошлонов, филология фанлари номзоди, доцент

БИЗ ҚАНДАЙ ЎҚИТАЯМИЗ?

«Ma'rifat» газетасининг 2010 йил 3 март сонидан чоп этилган Абдунаби Абдиевнинг «Орқа парта: ўқитувчи назоратидан пана худудми?» сарлавҳали мақоласини ўқиб, чуқур ўйга толдим. Ўқувчилик йилларимни, устозларимни эсладим...

да, нигоҳингизни ўқитувчидан узишингиз мумкин эмас эди. Шундоқ пайтини пойлаб савол берардиларки, тезда сергакланиб ўқитувчининг фикрини такрорлашингиз ёки давом эттиришингиз шарт эди.

Бу устозларнинг дарсида бутун синф бир вужуд эди.

...Илк педагогик фаолиятимни бошлаган йилларимдаёқ ота-оналарнинг фарзандлари орқа партада ўтиришидан норозиликка дуч келдим. Уларга ўқувчиларни парталарга жойлаштиришнинг педагогик-психологик талабларини тушунириб, «Фарзандингиз соғломлигидан, орқа партага ўтирганлигидан қувонинг!» деб далда бердим. Дарсларимда устозларим усулларидан фойдаланиб, барча ўқувчиларга бир хил эътибор беришга, ҳеч бирини назаримдан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдим. Шунданми синфимда ота-оналар ҳам, ўқувчилар ҳам парта талашмай қолишди.

Яқинда ўзим раҳбарлик қилаётган мактабда бир қизик воқеага дуч келдим. Синфда шовқин-сурон. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жойларини ўзгартиряпти. Бир ўқувчи орқа партидан олдинга ўтгиси йўқ. Сабабини сўрадим. «Орқада ўтириб, синфдошларимни тўлиқ кўриб тураман, уларнинг жавоблари-

ни кузатаман. Олдинги партада ўтирсам, орқага ўгирилишимга тўғри келадим», — деб жавоб берди. Ўқувчини ўз жойида охирги партада қолдирдим. Уни ўз назоратимга олдим ва кузатиб бордим. «Аълочи». Мактабдаги барча тадбирларда иштирок этади. Футбол тўғрагаги мунтазам қатнашади, энг маҳоратли ўйинчи...

Aks-sado

Муаллиф «Қандай ўқувчи орқа партада ўтиради?» — деб савол ташлабди ўз мақоласида. Биз эса, қандай ўқитувчининг дарсида ўқувчилар орқа партани кўмсаб қолади, деб савол бермоқчимиз ҳурматли газетхонларга. Мана сизга жумбоқ ва муаммо. Отанани ишонтириш, улар кўз ўнгида фарзанди қайси партада ўтиришидан қатъи назар, уларга тўлақонли таълим-тарбия бераётганлигини исбот қилишимиз лозим. Хўш, бунинг учун бугунги замон ўқитувчиси қандай бўлиши керак?

Мухтарам Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган «Барқамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли нутқларида «Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо, замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай

билимга эга бўлиши керак», деганлар. Биз кўп ҳолларда мактаб жараёнида ўқитувчи ҳукмронлиги, у болада фақат ўзи тушунтирган билимини тушуниб олишларини талаб қилаётгани, азалий — «Айтганим айтган-деганим деган» принципига амал қилаётганига дуч келамиз. Айрим касбдошларимизнинг дарс ишланмаларидан кўз узмай, ҳатто ўтирган жойларидан турмай, ўқитувчи стулига михланиб, лоқайдлик билан дарс ўтишлари мурғак қалбларнинг ўзларидек лоқайд, беҳафсала бўлиб воёга етишларига сабаб бўлмаётганими-кан?!

Кўпинча ўқувчилар ҳақида гап кетганда «ўқувчилар ўқимайди» деймиз. Айб ўқувчида, ўқишдамас, азишлар, ҳамма гап уларни қандай ўқитишда. Ўз касбини, ўз соҳасини чиндан севадиган, унга садоқатли, тугал билимли, дарсларини мукаммал бир асардек кўра оладиган педагогнинг дарсларида ўқувчи орқага паналамайди, балки устозининг фанини мароқ билан, иштиёқ билан ўрганади ва чуқур билимга эга бўлади.

Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қандай лавозимда ишласин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбия унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани, шубҳасиз.

Шундай экан, азиз касбдошлар, янги жамият бунёдкори бўлиши янги инсонларни, янги авлод тафаккур соҳибларини тарбиялашда ўз билим ва тажрибамизни, истеъдод ва маҳоратимизни янада ошириб, таълим-тарбия соҳасида самарали янгиликлар яратишдан толмайлик!

Ўқувчиларимизни фақат олдинга, олға интилишга чорлайлик!

Шоҳида ХОЛЛИЕВА,
Термиз туманидаги 10-умум таълим мактаби директори

Синфимизда шўх-шаддод ўқувчилар кўп эди. Синф раҳбаримиз Чаманой Жўрамурадованинг биз билан олиб борган тарбиявий ишларини бир-бир кўз ўнгимга келтириб, шунга амин бўлдимки, у киши ҳақиқий педагог бўлганлар. Синфдошларим шундай устозлик билан парталарга жойлаштирилган эдики, ҳар бир фаол ўқувчи беихтиёр ёнидаги ўртоғининг олдинга интилишига астойдил кўмаклашарди. Раҳбаримиз синфимиздаги «бўш ўзлаштирувчи» ўқувчиларнимас, балки уларга бириктирилган аълочиларни дарсдан кейин олиб қолиб, алоҳида савол-жавоб ўтказардилар. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, ўзлаштириши учун фаол ўқувчилар «жавобгар» эди. Шу сабабли партадошимиз мактабга келиши биланок уйга вазифа дафтарларини назоратдан ўтказардик, тушунмаган топшириқларини тушунириб, бажартирардик. Ўқитувчининг саволларига жавоб бераётганида уларнинг жавобларини жонқулоқ бўлиб тинглардик. «Яхши» баҳо олишларига астойдил кўмаклашардик. Ўртоғимиз «яхши» olsa, қувончимиз чексиз бўларди, аксинча бўлса, юрагимиз увишарди. Бутун синф бир тану бир жон эдик. Ҳар кимнинг ўз «партаси» бўларди. Ҳеч ким орқага «паналаш»ни хаёлига келтирмасди ёки орқада қолиб кетдим деб, ранжимасди ҳам. Шу сабабли синфимиз барча жабҳада мактабда биринчи эди.

Мурод Ашуров — она тили ва адабиёт фани ўқитувчисининг дарслари гўёки бир саҳна асаридек эди, десам адашмайман. Устоз дарсларда шунчалик ролга кириб кетардиларки, биз шогирдлар дарсдан бошқасини унутардик.

Тарих фанидан дарс берувчи устозимиз Зариф Олтибоевнинг дарсларида хаёлларга чўмишингиз, диққатингиз бўлиниши ёки бир сония бўлса-

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 463та. Шундан: замонавий типдаги — 340та; мослаштирилганлари — 112та; авария ҳолатидаги — 11та.

■ **Мактабларнинг моддий-техник базаси:** дарсликлар таъминоти — 94,3 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 47 фоиз; компьютер ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 20,8 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 35 фоиз.

■ Вилоятдаги болалар спорти объектлари: спорт залига эга мактаблар сони — 357та; болалар спорти объектлари сони — 41та; болалар спорти объектларининг спорт анжумлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 55 фоиз; ўқувчиларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 21 фоиз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 13та. Шундан: замонавий типдаги — 2та; мослаштирилганлари — 11та.

■ Вилоятдаги хунар-техника билим юртли сони — 35та. Шундан: замонавий типдаги — 12та; мослаштирилганлари — 21та; авария ҳолатидаги — 2та.

■ **Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 32,5 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 21,0 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 124та.

■ **Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:** педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 1268 нафар. Шундан: фан номзодлари — 2 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 652 нафар.


■ **Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 88та.**

■ **Хунар-техника билим юртлигига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 19860 нафар.**

■ Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 1та. Шундан: университетлар — 1та. ОУЮнинг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 65 фоиз. Компьютер билан таъминланганлиги — 10 фоиз.

■ **Профессор-ўқитувчилар сони — 286 нафар.** Шундан: фан докторлари — йўқ; фан номзодлари — 8 нафар; аспирантлар — 74 нафар. Талабалар умумий сони — 4540 нафар. Мутахассисликлар умумий сони — 10та. Касблар умумий сони — 10та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009



■ **Мустақиллик йилларида икки нафар ўқитувчи «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига мушарраф бўлди.** Вилоят халқ таълими тизимида жами 78 нафар ўқитувчи турли давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шундан 15 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 5 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 8 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган «Эл-юрт хурмати» ордени, 15 нафари «Меҳнат шухрати» ордени, 3 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», 4 нафари «Дўстлик» ордени, 24 нафари «Шухрат» медаллари билан мукофотланган.

■ «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида виллоят ўқитувчиларидан 64 нафари иштирок этган бўлиб, улардан 21 нафари ғолибликни қўлга киритган. 1995 йили Янгібозор туманидаги 19-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гавҳаржон Ибодуллаева ана шу кўрик-танловнинг яку-

Ўрта махсус, касб-хунар таълими

■ 2010 йили Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Наврўзбек Жабборов Боку шахрида ўтказилган 44-Менделеев халқаро олимпиадасида иштирок этиб, III даражали диплом ва бронза медалига сазовор бўлди. Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси Гузалхон Ўзбекова Зулфия номидаги давлат мукофоти сазовор бўлди.

■ «Келажак овози» республика кўрик-танловида «Рационализиаторлик ва техник лойиҳалар» йўналиши бўйича УрДУ қошидаги 1-академик лицей ўқувчилари Отабек Каримов ва Шоҳрух Рўзметов ғолиб д



тов ғолиб деб топилиб, диплом ва эсдаллик совғалари билан тақдирланди.

■ Ўзбекистон Республикаси Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Хуқуқ билимдонлари» кунноқлар ва зукколар кўрик-танловининг республика босқичида Урганч ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг «Фемиди» жамоаси 2-ўринни эгаллаб қайтди.

■ «18 май — Халқаро музейлар кун» муносабати билан виллоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитилган фаол ёшларнинг 798 нафари ҳомийлар ҳисобидан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат қилишди.

■ Утган ўқув йиллари мобайнида Хивадаги «Ичанқалъа», Урганч ўлкашунослик ва «Олтин мерос» музейларига 22 мингдан зиёд ўқувчининг экскурсияси уюштирилди.

Умумий ўрта таълим

ний босқичида мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

■ Янги 2010-2011 ўқув йилида виллоят умумтаълим мактабларида 428 нафар ёш педагог ўз фаолиятини бошлади.

■ Истиқлол йилларида 45 нафар педагог ва раҳбар ходим Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси гранти асосида турли мамлакатларда ўз малакасини оширди. Биргина 2009 йилда 13 нафар ўқитувчи ана шундай имкониятни қўлга киритди.

■ 2001 йили Шотландияда бўлиб ўтган халқаро олимпиадада Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Жонибек Юсупов ғолиб бўлиб қайтди. Ана шу мактабнинг икки нафар ўқувчиси Таиланддаги халқаро олимпиадада (2001 й.) физика фани бўйича иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллади.

■ Халқаро ва республика фан олимпиадаларида виллоят умумий ўрта таълим мактабларининг 33 нафар ўқувчиси муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

■ Виллоят умумтаълим мактабларининг 10 нафар ўқувчиси турли йилларда Зулфия номидаги давлат мукофоти сазовор бўлди.

ХОРАЗМ



ВИЛОЯТИ

Олий таълим


■ Урганч давлат университети 10 нафар талабаси Президент стипендианти бўлди.

■ 71 нафар талаба турли йўналишдаги нуфузли стипендияларни қўлга киритган.

■ Университет иқтидорли талабалари Германиянинг Бун университети қошидаги ривожланишларни тадқиқ қилиш илмий маркази билан ҳамкорликда имзоланган «Хоразм виллоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни иқтисодий ва экологик қайта қуриш» лойиҳасида иштирок этиб, изланишлари немис олимлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

■ Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида «Олимпиадачилар ва дастурчилар» маркази ташкил қилинган бўлиб, талабалар 5та гуруҳда компьютер технологиялари сирларини ўрганмоқда.

■ Филиал талабаларидан Муҳаббат Раҳмонова ва Жавлон Қиличев ўқиш ва жамоат ишидаги фаоллиги учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг стипендиясини қўлга киритишди.



■ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармаси таълим грантлари дастурида филиал талабаси Барно Анназарова муносиб қатнашиб, ғолиб бўлди.

■ Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида 57872та китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатяпти. Бу ерда талабалар электрон дарсликлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

■ Олий ўқув юрти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан рус ва инглиз тиллари тўрагаги иш олиб бормоқда. Утган ўқув йилидан бошлаб «Заковат» тўрагаги ҳам ташкил этилди.

Болалар спорти

■ Виллоятда 67та болалар спорти иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 88,5 фоизи қишлоқ аҳоли пунктларига тўғри келади. Бу спорт объектларини жиҳозлашга Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 987 миллион 700 минг сўм сарфланди.

■ «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларида 164 нафар ўқувчиси билан иштирок этган виллоят терма жамоаси 2та олтин, 4та кумуш, 9та бронза медалини қўлга киритди.

■ «Умид ниҳоллари-2009» спорт мусобақаларида Хоразм виллояти мактаб ўқувчилари 3та олтин, 17та кумуш, 15та бронза медалини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида фахрли ўринни эгаллади.

■ Урганч шаҳридаги 5-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Гулноза Матниёзова



2010

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 532та. Шундан: янги қурилганлари — 4та; капитал реконструкция қилинганлари — 136та; капитал таъмирланганлари — 218та; жорий таъмирланганлари — 174та.

■ **Мактабларнинг моддий-техник базаси:** дарсликлар таъминоти — 99,5 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 83 фоиз; компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 80 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 100 фоиз.

■ Вилоятдаги болалар спорти объектлари: спорт залига эга мактаблар сони — 460та; болалар спорти объектлари сони — 67та; болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 100 фоиз; ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — 53 фоиз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 15та. Шундан:

■ замонавий типдаги — 5та; бивоси янгидан қуриладиганлари сони — 1та; капитал реконструкция қилинадиганлари — 3та; мослаштирилганлари — 6та (2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаб бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади).

■ Вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-хунар коллежлари) сони — 91та. Шундан: замонавий типдаги — 90та; мослаштирилганлари — 1та. Академик лицейлар сони — 5та. Касб-хунар коллежлари сони — 86та.

■ **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 82,0 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 100 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 282та.

■ **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:** педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 6256 нафар. Шундан: фан номзодлари — 38 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 5995 нафар.

■ **Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 105та.**

■ **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 86776 нафар.**

■ Виллоятдаги олий таълим муассасалари (филиаллар) сони — 3та. Шундан: университетлар — 1та; филиаллар — 2та; ОУЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 82 фоиз. Компьютер билан таъминланганлиги — 47,06 фоиз.

■ **Профессор-ўқитувчилар — 652 нафар.** Шундан: академиклар — 1 нафар; профессорлар — 33 нафар; фан номзодлари — 220 нафар; аспирантлар — 24 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 8571 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 39та.

Мамлакатимиз ўқувчиларининг умумтаълим фанларидан юқори натижаларни қўлга киритишлари малакали педагог-кадрлар меҳнати мева-сидир. Шу боис 2000 йилдан буён таълим даргоҳимизга ўқитувчиларни ишга қабул қилишда тажриба ва маҳоратларини аниқлаш, уларни янада фаолликка ундаш, ўз устида кўпроқ ишлашга даъват этиш мақсадида махсус тест синовлари жорий қилиниб келинмоқда. Натижа шуни

Ta'limda tadbirkorlik

ўқувчилардан дарс жараёнида ҳеч нарса сўралмайди ва улар баҳоланмайди. Ҳар чорак якунида эса ўқувчилар билан ўтилган мавзулар бўйича савол-жавоб қилиниб, уларнинг ўтилган ўқув материалларини қай тарзда ўзлаштиргани текширилади ва баҳоланади. Ўқувчиларга дарсдан бўш вақтларида хоши-иродадиларига қараб чуқурлаштирилган кўшим-

яхши ўсди. Мевали дарахтларимиз берган ҳосил ҳам баракали.

Ёмғир чувалчанги технологиясидан улкан ер майдонларида фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарори билан мактабимизга Нукус туман ҳокимиятидан 18,8 гектар майдон ажратиб берилди. Ер майдонининг 3 гектарига дастлаб ёмғир чувалчанги техно-

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЯНГИ КУЧ БИЛАН

Келажакимиз ворислари бўлмиш ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни ўй-қизиқликлари-га қараб, истеъдодлари ва маҳоратларидан келиб чиққан ҳолда бирор-бир касб-хунарга йўналтириш мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бош мақсад ва вазифаларидан биридир. Шу билан бирга ўқувчи-ёшларнинг дарсдан бўш вақтларидан

эса ҳозирги кун талабига мос равишда кўргазмалар билан бойитилди. Шунингдек, вилоят миқёсида ўтказилган «Энг намунали мактабдан ташқари муассаса - 2009» танловида муассасамиз фахрли I ўринни эгаллаб, Фахрий ёрлиқ ва рангли телевизор билан тақдирланди. Айни кунда мар-

2009» кўрик-танловининг мутлақ голиби «Ўқувчилик» тўғараги раҳбари Дилорахон Мўйдинова (вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган танловда вилоят босқичи голиби), «Ташаббус-2009» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичи иштирокчиси, «Қуроқчилик» тўғараги раҳбари

Гулнозахон Тошматова, изланувчан ва

Maktabdan tashqari ta'lim

унумли фойдаланиб, улардаги яширин қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантириш мактабдан ташқари таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тўғарақ раҳбарларнинг асосий мақсадидир. Бу борада бизнинг Учкўприк туман Ўқувчилар ижодиёт марказида «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бошланаётган янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш ҳамда «Баркамол авлод йили»да муносиб натижаларни қўлга киритиш мақсади биз педагоглар учун янада улкан масъулиятни юклайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда марказимиздаги «Маънавият хонаси» қайтадан жиҳозланди, тўғарақ хоналари

казимизда 45та тўғарақ фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу тўғарақларда жами 2332 нафар ўқувчи билим ва хунар ўрганмоқда. Муассасамизда фаолият олиб бораятган тўғарақ раҳбарлари ўтиллажак ҳар бир машғулоти янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда ноанъанавий усулларда олиб бориб, ўқувчиларнинг ижодкорлигига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, ўқувчилари «Тасвирий ва амалий санъат» йўналиши бўйича жорий йил ёзги мавсум давомида ҳам вилоят, республика миқёсида ўтказилган бир неча кўрик-танловларда голибликни қўлга киритиб келаятган «Тасвирий санъат» тўғараги раҳбари Патилахон Дадабоева, «Йилнинг энг намунали тўғарақ раҳбари-

ижодкор педагог, «Рақс» тўғараги раҳбари Мафрузахон Мадалиевалар ёш педагог кадрларга ўрнатилган бўлиб келмоқда. Маънавий-маърифий йўналишларда малакали педагоглар томонидан марказимизда услубий қўлланма ва тавсияномалар яратилган. Маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тadbирлар ҳамда давра суҳбатларининг барчаси бир мақсадга йўналтирилган, яъни баркамол авлод тарбияси. Мақсадимиз битта — келажакимиз учун муносиб ворислар тайёрлаш. Зеро, ҳар томонлама етуқ, баркамол авлод — келажакимиз таянчидир.

Умидахон БОЛТАБОЕВА,
Учкўприк туман
«Ўқувчилар ижодиёт маркази»
бўлим бошлиғи

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ — ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

кўрсатдики, мактабимиз ўқувчилари ўтган йиллар давомида фан олимпиадалари шаҳар ва республика босқичида совринли ўринларни эгаллаб, таълим муассасаси рейтингини ҳам кўтарди. Ўқитувчиларимиз орасида биология, физика фанларидан илмий иш қилаётганлар бор. Бунинг учун барча имкониятларни сафарбар қилмоқдамиз.

Мактабимизда дунёнинг бир қанча мамлакатларида тан олинган Вальдорф ўқув тизими бўйича дарс ўтилмоқда. Ушбу методда ўқитувчи дарсни ўз методикаси бўйича ўтаверади, лекин

ча ўқув машғулоти ташкил этилади.

2003 йилдан бошлаб мактаб атрофидаги ерлар унумдорлигини ошириш мақсадида ёмғир чувалчанги технологиясини қўллаяпмиз. Бундан 10 йил олдин мактабимиз атрофи ташландик, ҳеч нарса ўсмай диган шўрхок ер эди. Эндиликда мактаб теvarак-атрофида 20 000 туп мевали ва манзарали дарахтдан иборат боғ бор. Дарахтларни ўстиришда, асосан, маҳаллий ўғитлардан фойдаландик. 3000 туп оқ терак ёмғир чувалчанги технологияси ёрдамида мевали дарахтларга қараганда тез ва

логияси бўйича мевали дарахт ва полиз экинларини экдик. Бунга ўқувчилар ҳам ёрдамлашди. Айни пайтда мактабимизнинг ҳисоб рақамида бюджетдан ташқари 20 млн. сўмдан ортиқ маблағ бор.

Қаерда аҳиллик, бирдамлик бўлса, шу жойда юксалиш бўлади. Жамоа ҳам ана шу муваффақиятларидан илҳом олар экан. Янги ўқув йилини шундай кайфиятда бошладик.

О. КАМОЛОВ,
Нукус шаҳридаги
22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори

"БИЗДА ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ БОР"

дея гурурланишади Боғот туманидаги 1-болалар боғчаси тарбияланувчилари

Каттагина хона. Полга чўгдек гиламлар тўшалган. Хона тўрида гимнастика мажмуаси жойлашган. Нафис санъат тури учун нимаики бўлса, барчаси муҳайё.

— Назира опам билан машқ қиляпмиз, — тиллари бийрон қизалоқ дадил ва равон гапирди. — Беш ёшдаман, исмим Наргиза. Гимнастика ёш боланинг тўғри ўсиши ва ҳар томонлама соғлом ривожланишига кўмаклашишини ҳисобга олиб ота-онам мени ушбу спорт тури билан шуғулланишга олиб келишди.

«Гимнастика тўғараги»нинг 10 нафар тарбияланувчи аъзоси кимўзарга машқ билан овора. Уларнинг ҳаракатлари тўғарақ раҳбари Назира Қуриёзованинг эътиборидан четда қолмайди.

Боғот туманидаги «Гулгунча» номли 1-мактабгача таълим муассасасидаги бадиий гимнастика маркази қизалоқларни эстетик завқ олиб иродаларини тоблаш ва келажакга ёрқин нигоҳ билан қарашга ундамоқда. Тарбияланувчилар ўз она тилларини ўрганиш баробарида хорижий тиллар бўйича очилган тўғарақларга ҳам жалб этилган.

— Тил ўрганишга қанчалик барвақт киришилса, унинг имкониятлари шунчалик кўпроқ эгалланади, — дея ўз машғулотларига изоҳ беради рус тили тўғараги раҳбари Илмира Хўжаниёзова. — Зукко болажонларимиз кўшиқ айтиш орқали тилни яхши ўзлаштиришмоқда. Қўшиқ матни,

дида «Келажак қалъаси»га саёхатга чиқи тураимиз, — дейди мудира Мақсуда Қурбонбоева. — Йилига бир марта музейлар шаҳри — Хивага борамиз.

Тиббиёт ҳамшираси Шоира Қурбонбоева ҳар кун эрталаб болажонларни қабул қилиб олар экан, уларнинг саломатлиги хусусида қайғуради.

— Биринчи тиббий ёрдам учун барча дори-дармонлар бор. Болажонлар ҳар ойда бир марта тиббий кўрик ўтказилади, — дейди ҳамшира Шоирахон. — Саломатлигида муаммоси бўлган боланинг ота-онасига зарурий йўл-йўриқ кўрсатамиз.

— Байрамларнинг чиройли ўтишида Муборак Матниёзова, Инобат Рўзमतованинг алоҳида ҳиссаси борлигини эътироф этиш даркор. Мустақиллик байрамига пухта тайёргарлик кўрилган эди. Тантанали тadbирни кичкинтойларимиз қувонч билан нишонладилар. Улар Ватанин мадҳ этувчи кўшиқ ва рақсларини, шеърларини ўз тарбиячи ва ота-оналарига тақдим этишди.

Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА

Бошқа тилларда бўлгани каби инглиз тилида иншо ёзиш ҳам ўзига хос билим-кўникмаларни талаб этади. Шу сабаб, ўқувчилар баъзан иншо ёзиш жараёнида айрим муаммоларга дуч келадилар. Бу муаммоларнинг аксарияти иншога қўйиладиган талаблардан беҳабарлик ёки уларни тўғри тушунмаслик оқибатида келиб чиқади.

Иншо ёзишдаги муҳим нarsa бу «нимани айтиш, қандай

Sinab ko'ring

Биринчи босқич иншо ёзишдан олдинги босқич бўлиб, унда мавзу танланади, унинг муҳим, қизиқарли жиҳатлари ҳисобга олинади ва шундан сўнг барча зарур маълумотлар тўпланади.

Иккинчи босқич — ёзиш босқичи бўлиб, унда дастлаб иншонинг хомаки варианты ёзилади, кейин эса лозим

ИНШО ЁЗИШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

айтиш ва қачон айтиш» қоида-сига амал қилишдир. Бу ёритиладиган мавзунинг тўғри танлай олиш, уни ўқувчиларга қай тарзда етказиш ва маълумотни қандай кетма-кетликда бериш деганидир. Кўриб турганимиздек, ушбу қонданнинг аҳамияти катта.

Америкалик олимлар Sandra ва John Scarry томонидан ёзилган «The Writer's Workplace with Readings» китобида инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганувчиларга инглиз тилида иншо ёзишда керак бўладиган кўрсатмалар берилган бўлиб, унга кўра, иншо ёзиш жараёни бир неча босқичларга бўлиб олиш мақсадга мувофиқдир. Қуйида бу босқичларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтаамиз.

бўлса, хомаки материал ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар муҳокамасига қўйилади. Бу босқичда ўқувчи иншонидан кўнгли тўлмагунча қайта-қайта ёзиши тавсия этилади.

Охириги босқичда эса иншо яна бир бор кўздан кечирилади, яъни имло хатолари, ташлаб кетилган сўзлар аниқланади.

Кўриб турганимиздек, юқорида тавсия этилган усул ўзининг аниқ, ихчам ва содда режага асосланганлиги билан жуда қулай ҳисобланади. Бу эса инглиз тилида иншо ёзиш жараёнида ўқувчилар томонидан йўл қўйилаётган хатоларнинг олдини олишга, ўқувчиларнинг билим савияларини оширишга кўмак беради.

Малика КУДРАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ҚўЛЛАРДА ЖИЛОЛАНГАН КАМАЛАК РАНГИ

Жиззах шаҳридаги "Заргарлик" маҳалласи хотин-қизларининг кўпчилиги чевар тикувчилар ҳисобланади. Улар уй-рўзгор юмушларидан бўшаган вақтларида гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқлар, ёстиқ жилдлари тайёрлаш, бадий каштачилик каби халқ хунармандчилиги турлари билан машғул бўлади. Нафис матолардаги кўзни қамаштирувчи ипақлар жилоси ва ранглар уйғунлиги кишини ўзига мафтун этади.

Болаликдан тикиш-бичиш билан машғул бўлган Садоқатнинг ушбу касбга бўлган қизиқиши тобора ортиб борди. Бу хунарнинг сирларини онаси Мавлуда Жабборовадан кунт билан ўрганди.

Кунларнинг бирида қизалоқ онасининг сандигида тугалланмай қолган со'zana ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб, худди йўқотганини топиб олгандай ҳаяжонга тушди. Ҳадемай со'zana тайёр бўлди. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва етти турдаги камалак ранги матода ўзгача жилоланган бошлади. Унинг чаққон ва эпчил ҳаракатланувчи нозик бармоқлари со'zanaга гўёки эртанги кун орзу ва ўйларини ҳам кўйиб нақшлаганди ўша дамда.

Жиззах давлат педагогика институтининг математика ва информатика факультетига ўқишга киргач, Садоқат Йўлдошева институт қошида хунармандчилик мактаби очиб ташаббуси билан чиқди. Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оила фарзандларидан иборат талабаларга бепул хунар

ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шундан сўнг, бу ерда ўзбек миллий буюмларини тикиш йўлга қўйилди.

Институт қошидаги "Устоз-шоғирд" мактабини кенгайтириш осон бўлмади. Турли тикув машиналари, дастгоҳлар ҳамда хомашёлари келтиришда бир-мунча қийинчиликлар юзага келди. Онаси қизининг ташвишларига шерик бўлиб, оғирини енгил қилди. Цех саҳни со'zana, бешик ёпқичлари, келин-куёв либослари каби миллий хунармандчилик буюмлари билан тўлиб, чевар тикувчилар сони кўпайиб борди.

Очикўнгил ва серғайрат тадбиркор ҳамон янгилик яратиш йўлида тинмай изланишда. Буюк Ипақ йўли, пойтахт-тимиздаги "Хотира майдони" ва "Бахтиёр она" ҳайкали тасвирини юксак маҳорат билан матога нақшлаб, муҳлис-лар эътиборига ҳавола этди. Сўнгги икки йил ичида вилоятнинг Пахтакор, Дўстлик, Фаллаорол ва Бахмал туманларидаги билим даргоҳларида ҳам бадий каштачилик, зардўзлик, замонавий бисер усулида тўқиш-тикиш ишларини йўлга қўйиш билан шуғулланиб, махсулотлар турини 80тага, ишчи ўринларини 200тага етказишга муваффақ бўлди. Қисқа вақт ичида 300 нафардан зиёд шоғирд тарбиялади. Касаначиликни ташкил этиб, иш ҳажмини кенгайтди ва чет эл инвестициясини олиб киришга эришди. Ҳозирда Дилшода

Набиева, Гулноза Нарзикулова, Юлдуз Аҳмедова, Яхшигул Усмонова каби чевар тикувчилар билан биргаликда сержило гилам, эркак ва аёллар кийимларини тайёрламоқда. Садоқат вилоят «Ўлкашунослик» музейига ўз ҳисобидан 100дан зиёд экспонат тақдим этди. Хорижда ҳам бу махсулотларга эҳтиёж катта.

— Чиройли буюм қалб кўри билан вужудга келган санъат асари, — дейди хунарманд С.Йўлдошева. — Бу истеъдод, меҳнат, маҳорат, билим ва таҳрибанинг уйғунлашуви ҳамдир. Олий ўқув юртини тасомлагач, умумтаълим

Tashabbus

мактаблари ўқувчиларига мутахассислигим бўйича дарс беришдан ташқари, ўсмир ва ёшларга халқ хунармандчилигини ўргатишни ҳам мақсад қилиб қўйганман.

Садоқат ўзининг хунармандчилик ишлари билан 2001 йилдан буён турли кўрик-танловларда қатнашиб келади. Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2006" кўрик-танлови лауреати бўлди. Кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам иштирок этиб, ўз истеъдодини яна бир бор намойиш этди ва "Энг ёш тадбиркор" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Шунингдек, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Келахак овози" мега-танлови-

нинг республика саралаш босқичида қатнашди. Унинг изланувчанлиги ва самарали меҳнати муносиб тақдирланиб келинапти.

Халқимизда инсон кадр-қиммати унинг хунари билан ўлчанади. Садоқат томонидан тикилаётган со'zanалардаги нақшларнинг турли-туман шакли ва гўзаллиги ўзига хос маънога эга. "Баркамол авлод йили"да унинг "Жаҳон остонасида" номли рисоласи чоп этилди. Муаллиф тарихий манбаларга таянган ҳолда, Марказий Осиё халқлари ўртасида бадий каштачилик, зардўзлик, тикувчилик каби халқ хунармандчилиги йўналишларининг келиб чиқиши, авлоддан авлодга ўтиши ва бугунги фаолияти ҳақида тўхталади.

Яқинда ЖДПИ 4-курс талабаси Садоқат Йўлдошева Япониянинг Токио ва Нагасаки шаҳарларида бир ҳафталик сафарда бўлиб, кунчиқар мамлакат тадбиркорлари иш таҳрибалари билан танишиб қайтди. У ердаги атлас, адрас ва шойидан тикилган либосларни кўздан кечираркан, японияликлар ўз миллий хунармандчилиги, гўзал анъаналари ва урф-одатларини асраб-авайлаши, эъзозлаши унинг эътиборини тортди. Ушбу саёҳат Садоқат Йўлдошеванинг келахакдаги режаларини бойитиш учун хизмат қилган бўлса, ажаб эмас.

Абдулла САИДОВ

Жиззах вилояти

ТўЙДАН ОЛДИН ТАРАДДУД

— Никоҳ тўйининг бошқа тўйлардан фарқи томони шундаки, уни бир оила ўтказолмайди, — деганди "Ўзбек қадриятлари" китобининг муаллифи Малик Мурод. — Никоҳ тўйида икки томон — келин ва куёв томонлар ўзаро келишиб, фикрлашиб иш қилишади. Никоҳ тўйи жуда муҳим, муқаддас ва ҳаётий, айни чоғда, ниҳоятда нозик, савобли ва хайрли бўлганидан ҳамма даврларда унга эҳтиёткорона ёндашиб, тантанавор, байрамона қилиб ўтказишга ҳаракат қилишган...

Чиндан ҳам биз ўз урф-одат ва анъаналаримиз билан фарлансак арзийди. Чунки юртимизнинг қай бир гўшасига бормайлик, халқимизнинг бошқа миллатларникига ўхшамайдиган, ўзигагина хос гўзал қадриятлари борлигига гувоҳ бўламиз.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги «Қаҳрамон» маҳалласида истиқомат қилувчи Каромат ҳамда Марзия момолар халқ удумлари, айниқса, никоҳ тўйи билан боғлиқ хунар сирларини ёшларга ўргатиб келишмоқдаки. Шу маҳаллада бўлганимизда бу икки момонинг ўзлари бош-қош бўлиб ёш келин-қизларга кўрпа солиш маросими қандай ўтказилишини тушунтираётганликларининг шохиди бўлди.

— Ўзбекнинг тўйи кўпчиликнинг ёрдами билан бўлади, — дейди 85 ёшли Каромат она. — Худога беҳисоб шукр, тўйларимиз тўкин-сочинликда ўтмоқда. Бир пайларги ота-болаларимизни бой бўлганликларини учун узоқ юртларга сургун қилиб юборишганди. Хайрият, у кунлар ортда қолди. Яхши ниятлар билан йиғиниб

тўйлар қилаёпмиз, ўғил уйлантириб, қиз чиқараёпмиз. Бу ҳам бир бахт.

— Ўғил-қиз катта бўлгани сайин ота-онанинг ташвиши кўпайиб бораркан, — дейди овсинининг сўзларини давом эттириб Марзия она. — Ёшим саксондан ошди. Икки овсин тўй-тумалоқларда, йиғинларда билганларимизни болаларимизга, келинларимизга ўргатиб келмоқдамиз. Улар ҳам бир кун фарзандларига ўргатади. Шунинг учун момомерос удумлар авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб бораверади.

— Ёшлар тарбияси кўпроқ катталарнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ, — дея суҳбатга қўшилди Тамара ҳожи она. — Каромат онамиз ҳам, Марзия онамиз ҳам кексайиб қолган бўлишларига қарамай, ёнимизда турадилар. Улардаги ёшларга хос завқ-шижоатни кўриб биз ҳам ортда қолмасликка интиламиз. Яхши биласиз, ўзбек қиз чиқариб, келин тушираётганда орзу-ҳавас билан йиғиниб, фарзандларига гулдор-гулдор кўрпа-ёстиқлар тикади. Албатта, бу ишлар биргина тўй эгасига оғирлик қилади. Ана шунда гўзал одатларимиз орага киради, кўни-қўшнилари, маҳалла-кўйдаги аёлларнинг бари ёрдамга келади. Ўзбек хонадонини тахмонга чиройли тахлаб қўйилган кўрпа-ёстиқларсиз тасаввур этиш қийин.

— Битта катта кўрпага тўрт кило пахта кетади, — дейди биз билан суҳбатда кўрпа қавиш маросимининг иштирокчиларидан бири Наргиза Луқмонова. — Пахтани кўрпага солишдан олдин уни саварич билан яхшилаб савашади. Пахтанинг текис солинишига катта аҳамият бериш керак.

Бўлмаса, катта-катта тугунлар пайдо бўлади. Бунинг учун ҳам яхшигина ўқув керак. Қишлоқ аёллари бу борада ўз ишининг устаси бўлиб кетишган. Битта кўрпага пахта солишнинг ўзи 3-4 кишини иш билан банд қилиб қўяди. Ўртача ҳисобда, ўнта катта кўрпа, ўнта кўрпача, ўн жуфт катта-кичик ёстиқ тайёрланади. Маросимда қатнашолмаган аёлларнинг уйларига қавилмаган кўрпалар бўлиб бериллади. Аёллар кун бўйи тўй эгасиникида бўлиб, ишни ниҳоясига етказиб қўйишади.

Qadriyat

Дарҳақиқат, ёшларнинг бошини қовуштирадиган никоҳ тўйлари узоқ йиллар давомида шаклланган бўлиб, ўзида халқнинг ўнлаб удумлари, урф-одатлари, расм-русумларини бирлаштиради. Унинг таркибидаги урф-одатларнинг ҳар қайсисида янги оилага эзгу мақсад, келин-куёвга яхши тилак жо бўлган. Узоқ вақт аста-секинлик билан тўй таралдудига киришиш, муомалали, дидли-фаросатли совчи танлаш ва совчи қўйиш, нон ушатар, фотиҳа тўйи, ялоқ қизартар, уй кўрар, сарупо бичар, куёв синар, ойна кўрсатар, қўйинга тухум солар, ит ириллатар, ун элаш, ёғга қўл ботирар, бет очар, чорлар, ўчоқ, супра, ўқлов билан таништириш, нон, пахта, ун, туз билан боғлиқ удумлар, қуда-анда тортишув-беллашуви, келин салом, келин чойи кабилар никоҳ тўйлари билан боғлиқ расм-русумлардир. Шулардан баъзиларини келтириб ўтмоқчимиз:

Нон ушатар — қиз томонининг розилиги олингач, бир



жуфт нон синдирилади. Бу ишни бир никоҳли одам бажаради ва у даврадагиларга (келин ва куёвга ҳам) бир бурдан нон беради. Нонни ўртага қўйиб, нондай қадрлансин, эъзозли бўлсин, насибаси бутун бўлиб, қўша қарисин деб ният қилинади. Худди шу ўриндан тўй таралдуди, олди-бердиси бошланади. Шунгача тарафлар бир-бирларининг шажарасини, яшаш тарзини, касб-корини, эл орасидаги мавқени ўрганиб чиқишган бўлади. Нон синдирардан сўнг эса субутсизлик қилиб, сўзидан қайтмайдилар. Кимки сўзидан қайтса, худодан қайтган сифатида эл назаридан қолади. Қай томон лафзидан қайтса, у тарафга қиз беришмайди ёки улардан куёв қилишмайди.

Куёв синар — бу одат ҳар жойда ҳар хил. Бир жойда куёвни чайир тўнка ёрдириб, ўзга ерда юк кўтартириб ёки бошқа жойда ўчоқ қаздириб синашади. Аммо қай йўсинда бўлмасин, синаш орқали куёвнинг ақли бутунлиги, фаҳм-фаросати, жисмоний бақувватлиги, рўзгор ишларига ўқуви текшириб кўрилади. Борди-ю, куёв синов шартларини бажаролмаса, хотин-халаж, тенгқурлари-ю, болалар — тўй иштирокчилари олдида уятга қолган. Ориятли йигитлар уятда қолмаслик учун синовларга пухта ҳозирлик кўришган.

Никоҳ тўйларида барча удумлар тартиб, одоб билан бажарилган. Келин ёки куёвнинг хулқи, муомаласи, иззат-

икромни билиши алоҳида эътиборда бўлган. Келин камидан бир йил қайнона-қайнотага, куёвнинг яқинларига юзини кўрсатмай юрган бўлса, куёв ҳам куёв чорларгача қайнона-қайнотага юзма-юз бўлмаган...

Бунда халқнинг орияти, катталарга ҳурмати рамзи бор «Ўғилларим, набираларим, яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлиги, насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим», — дейди Амир Темур бобомиз "Темур тузуклари" китобида.

Бугун юртимизда унутилаётган қадриятларимизни тиклашга катта эътибор қаратилиб, жойларда бу борада кўплаб амалий ишлар йўлга қўйилган. Маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг ҳаммаси дунёга юз очаетган юртимизнинг эртанги тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шундай экан, ана шу ишларда муносиб иштирок этиш биз — ёшларнинг зиммамиздаги вазифасидир.

Назира БОЙМУРОВА

Муаллиф олган сурат.

Утган асрнинг 70-йилларида инсоният эндигина Марс ҳамда Венерага сунъий йўлдошларни учирган пайтда бир гуруҳ инглиз мутахассислари юлдузлар сари йўл оладиган ва учувчисиз бошқариладиган самовий кемани лойиҳалаштиришга қўл урган. Орадан шунча вақт ўтиб, уларнинг меҳнати бесамар эмаслиги амалда ўз тасдиғини топмоқда. Негаки, ишланма жуда пухта ўйланган ва амалда татбиқ этилиши имконияти юқори бўлиб чиқдики, натижада ҳозирнинг ўзидаёқ у келажакда юлдузлараро саёҳатларни амалга ошириш учун кенг эшик очадиган истиқболли лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Оламшумул ва кўплаб илмий янгиликларга бой бўлиши кутилаётган мазкур лойиҳа ҳамда унинг доирасида ишлаб чиқилиши режалаштирилган юлдузлараро самовий зондга «Дедал» («Daedalus») номи берилди. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, лойиҳа бугунги цивилизация ютуқлари самовий тадқиқотларни амалга оширишда қанчалик илгарилаб кетганини кўрсатади.

50 ЙИЛЛИК ЧЕКЛАНГАН МУҲЛАТ

Бундан салкам қирқ йил олдин, аниқроғи, 1973 йили Буюк Британия Сайёралараро тадқиқотлар жамияти (БСЖ) томонидан юлдузларга самовий саёҳат уюштириш имконини берадиган изланишни бошлаш фикри илгари сурилди. Унга кўра, қисқа муддатда Куёшга энг яқин жойлашган юлдузлардан бирига етиб борадиган, илмий тажрибаларни амалга ошириб, олинган маълумотларни Ерга узатиб берадиган самовий аппаратни яратиш мақсад қилинди.

Жамиятнинг «Спейсфлайт» («Spaceflight») нашрида ёзилишича, муҳандис Алан Бонд раҳбарлигидаги мазкур лойиҳага жами 300 нафар мутахассис жалб этилди. Натижада, 1978 йилга келиб лойиҳа устида иш олиб бораётган олимлар юлдузлараро зонднинг турилиши ва илмий-техник имкониятлари батафсил баён этилган ҳисоботни тақдим этишди. Шундан сўнг яна ўн йил давомида аппаратнинг маълум қисмларини яратиш билан боғлиқ тадқиқот ва текширувлар ўтказилди. Кенг доирадаги илмий изланишга бағишланган юзлаб илмий ва илмий-публицистик мақолалар дунёнинг кўплаб мамлакатларида чоп этилди. Мазкур саёй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда самовий аппарат чизмалари ва унинг фаолияти билан боғлиқ ҳисоб-китоблар аниқ ишлаб чиқилган, яъни самарадорлиги талаб даражасида дея таърифланаётган дастлабки умидбахш лойиҳа сифатида «Дедал» эътироф этилмоқда.

Олдинга дастурда Юпитер сайёраси орбитасидан учуриладиган катта қувватга эга икки бўлинмали самовий кема яратилиши кўзда тутилганди. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, «Дедал»нинг 50 йил ичида Барнард юлдузига етиб бориши ва маълумотлар узатиши режалаштирилган. Аппаратнинг оғирлиги 6 минг тоннадан, узунлиги 400 метрдан ортиқ, диаметри эса 190 метрга тенг бўлиши маълум қилинган. Уни яратишда учта жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, самовий кемани ишлаб чиқишда мавжуд ёки яқин келажакда яратилажак технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Иккинчидан, юлдузга ошириладиган парвоз муддати узоқ бўлмаслиги керак эди, бунинг учун 50 йил вақт сарфланиши маълум қилинди. Учундан, аппарат келгусида бошқа юлдузларга ҳам саёҳат уюштириш имконини бериши зарур.

— «Дедал» самовий зонди биринчи бўлиб илмий саёҳат амалга оширадиган Барнард юлдузи Куёшдан 56 триллион километр узоқликда жойлашган, — деб таъкидлайди тадқиқотчилардан бири Жеффри Райан. — Илк ҳисоб-китобларга таянган ҳолда парвоз вақти 40 йил деб белгиланган эди. Бунда лойиҳа муаллифлари ўз меҳнатлари самара берадиган давргача ҳаёт бўлиши керак, деган нуқтаи назардан келиб чиқишган. Сўнгра муддат 50 йилга узайтирилди. Ҳозирча самовий аппарат учуриладиган нуқта аниқланмаган, ammo бу Ой ёки Юпитер орбитаси бўлиши тахмин қилинапти.

«Фойдали юк» НИМА?

Олимларнинг таъкидлашича, самовий аппарат бортига бир қанча ускуна-

«ДЕДАЛ» ЛОЙИҲАСИ

ёки юлдузлар сари
илмий саёҳат

лар ўрнатилиши кўзда тутилган. Илмий тилда улар «фойдали юк» дея таърифланади. Буларга иккита 5 метрлик оптик ва иккита 20 метрлик радио-телескопларни киритиш мумкин. Ушбу қурилмалар ёрдамида Барнард юлдузи яқинидаги сайёралар орбиталарини аниқлаш, галактикамиз ўлчамларини ва бошқа самовий системаларгача бўлган масофани аниқ белгилаш режалаштирилган.

Илмий изланишлар самарали кечиши учун мутахассислар асосий аппарат бортидан махсус ёрдамчи зондларнинг туширилиши концепциясини ҳам ишлаб чиқишган. Мазкур зондлар ҳар хил вақтда ишга туширилиб, турли траекториялар бўйлаб ҳаракатланади. Ёрдамчи қурилмалар кенгроқ доирада тадқиқот олиб бориш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Улар билан алоқа ўрнатилиши учун «Дедал» самовий зондига сигналларни қабул қилувчи ва тарқатувчи, маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган ускуналар ҳам ўрнатилди.

Шу билан бирга, иккита махсус автоном аппаратлар ҳам ишлаши кўзда тутилган. Улар ёрдамида самовий кеманинг ташқи қурилмалари фаолияти назорат қилинади, зарур ҳолларда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Қолаверса, «Ворден» («Кўриқчи») номини олган ушбу қурилмалар тадқиқотлар ўтказиш мақсадида асосий аппаратдан 10 минг километргача бўлган масофага зарур асбобларни етказиши ҳам мумкин.

ОҒРИҚЛИ НУҚТАЛАР

Айни кунда «Дедал» лойиҳаси устида иш олиб бораётган тадқиқотчилар дуч келган асосий муаммо — белгиланган 50 йил ичида парвознинг амалга оширилишини ташкиллаштириш бўлаётгани таъкидланмоқда. science-daily.com электрон манбасида келтирилишича, дастур эндигина иш бошлаган пайтда БСЖга қарашли «Пайониэр-10» зонди мавжуд аппаратлар ичида энг катта тезликка эга ҳисобланиб, у самодо соатига салкам 52 минг километр тезлик билан ҳаракатланарди. Бу кеманинг Юпитерга етиб бориши учун ярим йил керак холос, дегани. Агар унинг парвоз нуқтаси Барнард юлдузи бўлганида, бунинг учун 123 минг йил вақт талаб этиларди. Демак, илк кунларданок «Дедал» режалаштирилган вақт ичида парвозни амалга ошириши учун энг сўнги технологиялар орқали учиб тезлигини ошириш зарурати лойиҳа муаллифларининг олдига қўйилган асосий талаблардан бўлган.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда мутахассислар икки қисмли аппарат концепциясини ишлаб чиқишди. Зарур тезликка эса махсус ҳаракат ускунаси ичида сунъий равишда ташкиллаштириладиган кўплаб (дақиқасига 250тагача) кичик қувватли ядро тўқнашувлари туфайли вужудга келадиган энергия ҳисобига эришиш белгиланди. Қолаверса, термомядро ёқилғиси ҳисобига ҳаракатланадиган бу қурилма тезлиги ниҳоятда баланд бўлиши ҳам таъкидланган.

Самовий кема қурилиши масаласига келсак, «Сайнс» журналада ёзилишича, «Дедал» лойиҳаси устида иш олиб бораётган тадқиқотчилар яқин 15 йил ичида аппарат қуриб битказилади, дея маълум қилинган.

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

Ҳозирча олимлар белгиланган тартибга кўра, самовий кеманинг биринчи қисми икки йил давомида 46 минг тонна ёқилғи ҳисобига соатига салкам 77 миллион километр тезлик билан ҳаракатланади. Сўнгра ҳаракатланиш қурилмаси асосий қисмдан ажралиб, иккинчи бўлинма ишга тушади. Айтиш кераки, бунда «Дедал»нинг оғирлиги ҳам анча камаяди. Келгуси икки йил ичида учинчи аппаратдаги барча ёқилғи сарфланади ва бунинг ҳисобига қурилма тезлиги соатига 135 миллион километрга етади. Қиёс учун маълумот: бундай тезликда ҳаракатланаётган самовий кеманинг Юпитер сайёрасига етиб бориши учун 5,5 сония кетди ёки Париждан Нью-Йорккача бўлган масофа атиги 0,156 сонияда босиб ўтилади. Фақат шундай тезликдагина «Дедал» белгиланган жойга тахминан 48 йилда етиши мумкинлигини бугун мутахассислар амалга оширган ҳисоб-китоблар кўрсатмоқда.

Буюк Британия Сайёралараро тадқиқотлар жамияти берган маълумотларга кўра, бу каби юқори тезликда ҳаракатланаётган самовий аппарат юлдуз чанги зарралари билан тўқнашиб, натижада унга зарар етиши мумкин. Мутахассислар бунинг ҳам эътиборга олган ҳолда, кеманинг олд қисмига бериллий элементидан ясалган ҳимоя экранини ўрнатишмоқчи. Боиси, бериллий ўта юмшоқ металллар гуруҳига кириб, микрометеоритлар энергиясининг самарали равишда ютилишига туртки бўлади.

Барнард юлдузига йўналтирилган учувчисиз самовий аппарат белгиланган йўлнинг ярмида оптик телескопларини мазкур космик жисмлар тизими-га қаратади, уни суратга олиб, маълумотларни Ергаги кузатув марказига жўнатади.

— Ушбу расмлар асосида Барнард юлдузи системасидаги барча йирик сайёралар жойлашувини кўришга имкон туғилишига умид қиляпмиз, — деди лойиҳа раҳбари Алан Бонд. — Бу эса, ўз навбатида, бизга кейинги тадқиқотлар учун объектлар танлашга замин яратади.

Олимнинг «Дейли Мэйл» нашридаги мақоласида баён этилишича, «Дедал» белгиланган нуқтага етиб келгач, ҳар бир ёрдамчи зондлари катта тезликда самовий жисмлар ёниндан учиб ўтиб, керакли маълумотларни йиғади, сўнгра улар асосий аппарат орқали Ерга узатиб берилади. Мутахассислар парвоз давомида Ер билан алоқа ўрнатилишида катта қийинчиликлар

Fan va dunyo

кузатилмаслигини ҳам таъкидлашяпти. Чунки «Дедал» самовий кемасида барча зарур қисмлар бор бўлиб, маълумотларни узатиш тезлиги бир сонияда 10 килобит бўлиши кутилмоқда.

ҲАМОН ДОЛЗАРБ ВА АҲАМИЯТЛИ

Айтиш керак, «Дедал» лойиҳаси иш бошлагани маълум қилинган, унинг муҳимлигига шубҳа қилганлар ҳам, олам тузилиши билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топилишига умид қилганлар ҳам кузатилди. Қатор мутахассислар ҳозир ҳам дастур учун сарфланаётган катта маблағлар барибир ўзини оқламаглигини таъкидлашдан тўхтамаяпти. Қолганлар эса «Дедал» самовий аппаратининг самога учурилишини ҳалигача интизорлик билан кутиб яшамоқда. Нима бўлганда ҳам тадқиқотчиларнинг дастур доирасида-



ги саёй-ҳаракатлари бесамар кечмаганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бунга далил сифатида ҳозирга қадар қўлга киритилган маълум ютуқларни кўрсатиш мумкин.


Таъкидлаш зарурки, аввалига лойиҳа устида иш олиб бориш пайтида олимларни энг кўп ташвишга солган жиҳат бу — Куёш системаси борасида етарлича чуқур билимга эга эмаслик бўлди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Негаки, самовий аппарат Барнард юлдузига етиб бориши учун ҳаттоки бугун ҳам кенг тадқиқ этилмаган самомаконларини босиб ўтиши зарур. Аммо бу каби хавотирлар дастур доирасидаги ишларнинг анча олдинга силжишига туртки бўлди: оқибатда кўплаб турли назарий ва амалий тажрибалар ўтказилди. Жараёнда ёқилғи борасида олимлар кўпроқ тажрибалар ўтказиши зарурлиги яққол сезилди, чунки уни ҳосил қилиш мутахассислар ўйлаганидек осон кечмас экан. Айни пайтда электроника соҳасида эришилган ютуқлар туфайли электрон аппаратлар, ҳаракатланиш асбоблари ва кемани юқори даражада автоматлаштириш каби масалалар ўз ечимини топди.

Бугун «Дедал» лойиҳаси доирасида эришилган натижалар юксак технологияларнинг турли йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб боришга асос вазифасини ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Ушбу материаллар турли чизмаларни яратишда қўлланилади, бу борада кўплаб илмий ишлар қилинмоқда. Эътиборлиси, айнан шу лойиҳа юлдузлараро парвознинг имкони борлигини тасдиқлаган ва шунга таянган ҳолда қатор футурологик изланишлар ҳам олиб бориляпти.

Шу билан бирга, агар илк илмий саёҳат муваффақиятли кечса, кейинги йилларда самовий кема нисбатан узоқроқ жойлашган бошқа юлдузлар тизимини ҳам тадқиқ этишига олимлар катта умид боғлашмоқда. Айнан шу сабабли, АҚШ Аэроавтика ва самовий тадқиқотлар агентлиги (НАСА)нинг қатор мутахассислари лойиҳа жараёни ва бугунга қадар эришилган натижаларни ўрганиб чиқиб, бундан 37 йил илгари асос солинган лойиҳа ҳали-ҳамон ҳам илмий, ҳам техник нуқтаи назардан долзарб, деган хулосани тақдим этди.

**БАТАФСИП УРГАНИШГА
ЗАМИН ЯРАТАДИ**

Бугун дунё олимлари гепатит С номли жигар хасталигига қарши вакцина ва бу касалликни ташувчи вирусга қарши дори-дармонларни ишлаб чиқиш йўлида тинимсиз изланмоқда. «Кимё ва ҳаёт» журнаlining сўнгги маълумотларига кўра, Германиядаги Хелмхолст тадқиқот марказлари ассоциацияси мутахассислари томонидан бу борада ижобий натижа кўлга киритилди. Яъни, эндиликда вирусни кемирувчиларга юктириб, сўнг касалликка қарши дорилар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш имкони туғилди.




— Гепатит касаллигининг С турдагиси бошқаларида кузатиладиган ўзига хослик билан изоҳланади, — дейди тадқиқотчилардан бири Магнус Байнс. — Аниқроғи, бу вируснинг тарқатувчиси фақат одамлардир. Бошқа тирик жонзотлар орасида фақат шимпанзе маймуни лаборатория шароитида касаллик ташувчиси бўлиши мумкин. Шунга қарамай, касалликнинг тарқалиш кўлами хавотирли: бугун дунёда 170 миллион инсон сурункали гепатит С инфекциясига чалингани қайд этилган

ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ошмоқда. Энг ташвишли томони шуки, хасталик аниқланган инсонлар организмида жигар саратонига чалиниш хавфи жуда баланд бўлади. Мазкур касалликка қарши вакцинани ишлаб чиқишдаги энг катта муаммо шундаки, гарчи лаборатория шароитида жигар ҳужайралари устидан тажриба ўтказиш имкони жуда катта бўлса-да, уни амалда синаб кўриш мушкул. Чунки инсон иммунитет тизими инфекцияни қандай назорат қилиши, умуман вакцина одамларга қандай таъсир кўрсатишини аниқ билмай туриб, тажриба ўтказиш мумкин эмас. Касалликни кемирувчиларга юктириш борасидаги натижа эса иммунолог ва вакцинолог олимларга хасталикни янада батафсил ўрганишга замин яратади. Бунинг устига, бу жонзотларнинг иммунитет тизими инсонникига монанд. Агар янги дори уларда муваффақиятли синалса, уни кейинчалик одамларга ҳам қўллаш мумкин бўлади.

ТУНДА ХАМ ИШЛАЙДИ

Италияда ҳатто кечаси ҳам электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватига эга Куёш электр станцияси ўз фаолиятини бошлади. Одатиёларидан фарқли равишда ушбу станцияда қувват бироз бошқача усулда ҳосил қилинади. Яъни бунда нурларни энергияга тўғридан-тўғри айлантирувчи фотоэлементлардан фойдаланилмайди. Бу ҳақида «Риан.ру» манбасида эълон қилинди.

Куёш чиқмаган пайтда ҳам ишлайдиган қувват станциясининг иш технологияси бироз бошқачароқ: бунда парабола шаклидаги улкан кўзгулар ёрдамида нурлар махсус қувурлардаги тузни қиздиради. Кейин эса қувурлардаги иссиқлик натижасида қувват ҳосил қилинади. Шу тариқа, янги турдаги электр станцияси куёш қарақлаган кунда иссиқлик шаклидаги энергияни йиғиб олади ва унинг ёрдамида кечаси ҳам, булутли об-ҳавода ҳам тўхтовсиз равишда ишлаши мумкин. Лойиҳа рамзий равишда «Архимед» номини олди. Сабаби, ривоятларга кўра айнан шу мутафакир Куёш нурлари ва катта кўзгулар ёрдамида она шахрини қутқариб қолган.



Мутахассисларнинг фикрича, оддий сув ўрнига тўз эритмасидан фойдаланиш кўпроқ миқдордаги қувватни йиғиш имконини туғдиради. Негаки, эритма газ ҳолатига ўтмасдан 550 даражагача қизиш хусусиятига эга. Қолаверса, фойдаланилаётган тузлар калий ва натрий нитратлар бўлиб, улар инсон соғлиғига жиддий хавф туғдирмас экан. Шу сабаб нозоллик юз бериб, қувурларда эритма оқиб чиқса ҳам, бу экологик ҳалокатларга олиб келмайди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, яқин келажакда бу каби электр станцияларни Испания ва АКШдаги Невада саҳросида барпо этиш режалаштирилмоқда.

ФАОЛИЯТИ УЗАЙДИ

Океанортида жойлашган Ферми номидаги миллий лабораториянинг Маслаҳат Кенгаши «Теватрон» коллайдерининг фаолияти муддатини 2014 йилгача чўзишни тавсия этмоқда. Ҳозирги кунда мазкур зарралар тезлаткичида протон ва антипротонлар тўқнашуви ҳосил қилинади. Коллайдер билан ишлайдиган олимлар Хиггс бозони номли заррани имкон қадар тезроқ аниқлашни режалаштирган. Бу борада унинг имкониятлари Европа ядро тадқиқотлари ташкилотининг Улкан адрон коллайдери(УАК)га нисбатан кўпроқ. Чунки «Теватрон» тезлаткичи УАК ишга туширилишидан анча олдин фаолият бошлаган, шу муддат ичида ортиқча тўхтовлар ва носозликларсиз ишлаб келмоқда, деб ёзади «Сайнс Инсайдер».

Айтиш зарурки, Хиггс бозонини аниқлаш масаласини Маслаҳат Кенгашининг барча аъзолари муҳим деб ҳисоблашмоқда.

— Мазкур масаланинг ечимини топишга жуда яқин турибмиз ва айни пайтда коллайдер ишини тўхтатиш ноўрин бўлар эди, — дейди бу борада Пердью университети тадқиқотчиси Йен Шипси.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тезлаткич иш фаолиятини узайтириш энгил заррача ҳисобланган Хиггс бозонининг парчаланиш жараёнини кузатишга имкон яратади. Айни пайтда мабодо ҳозирги назарияларнинг бу борада янглиш экани аниқланса ҳам, мазкур ҳолат амалиётчи олимларни тушкунликка туширмайди. Шу билан бирга, физиклар «Теватрон» ва УАКдаги тажрибалар натижалари бир-бирини тўлдиради, деган фикрда.

Ҳозирча Маслаҳат Кенгаши томонидан иккита таклиф кўриб чиқилди. Биринчисига кўра, Лаборатория ва тезлаткич учун келгуси уч йиллик муддатда айни кундаги билан тенг маблағ ажратилади. Кейингисига эса «Теватрон» коллайдерининг ишлаш тизимини бир маромда сақлаш мақсадида харажатлар миқ-

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2010 йил 28 август сонидан берилган «2010–2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори» сарлавҳали эълоннинг 5-синф учун дарсликлар тўплами рўйхати, сони ва бир йиллик ижара нархи куйидагича ўқилсин:

5	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси.	10	3 000
---	---	----	-------



дорини 150 миллион долларга ошириш кўзда тутилган. Ўз навбатида, мутахассислар ҳатто бир нечта бошқа лойиҳалар вақтинча тўхтатиб турилса ҳам, ажратиладиган маблағ миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлашга рози эканини билдиришган. Шу боис, айни пайтда лойиҳа яна уч йилга чўзилиши эҳтимоли баланд экани таъкидланмоқда.

**ЎСИМЛИК ВА
НАНОТЕХНОЛОГИЯ
УЙГУНЛИГИ**


Исроилдаги Хебрю университети илмий ходимлари келгусида компьютерлар хотираси ҳажмини ошириш мумкинлигини таъкидлашапти. Жараёнда кремний нанозаррачалари ва терак дарахтидан олинган оксил молекулалари асосида ҳосил қилинган элементлардан фойдаланилади. Бу ҳақида sciencedaily.com электрон манбасида маълум қилинди.

Мутахассислар бир пайтнинг ўзиде компьютернинг хотира қисми элементларини ҳажман кичрайтириш ва маълумотлар сизимини катталаштириш бугун ахборот технологиялари соҳасидаги энг муҳим масалалардан эканини таъкидлашмоқда. Исроиллик олимлар таклиф этаётган технология эса самарали ечим бўлиши мумкин. Чунки янги ҳақиқат катта сарф-харажатлар талаб этадиган компьютер техникасини ишлаб чиқишнинг анъанавий методларини ўзгартиради.

Терак дарахти оксили ва кремний нанозарралари бирикмаси ген муҳандислиги усуллари билан яратилишини тадқиқотчилар маълум қилишди. Мазкур тажрибанинг амалий аҳамияти иқтисодий жиҳатдан самарали тизимнинг йўлга қўйилишида намоён бўлади. Янги технология ёрдамида компьютернинг қатор ички қисмлари ҳажмини кичрайтириш, хотира қисмини эса катталаштириш ва шу йўл билан маълумотлар сизимини ҳам кенгайтириш мумкин бўлади.

ЮРАККА ФОЙДАЛИ

Афина университети тадқиқотчилари иклим шароитидан келиб чиқибкунига бир-икки пиёла қаҳва ичиш юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрни билдирди. Тажрибага Эгей денгизи ҳавзасидаги Икария оролида яшовчи 65-100 ёшдаги етти юздан ортиқ кўнгиллилар жалб этилди. Натижада, кунига белгиланган меъёрда қаҳва ичиш юрак атрофидаги қон томирларининг янада эгилювчан бўлишига хизмат қилиши аниқланди. Мавзуга бағишланган мақола «Дейли Телеграф» газетасида чоп этилди.




Олимларнинг айтишича, изланиш қон босими юқори бўлган кекса одамлар мунтазам равишда бу ичимликни истеъмол қилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Бироқ бунда, албатта, меъёр сақланиши зарур. Хусусан, кўпи билан икки пиёла бунинг учун етарли. Қолаверса, тадқиқотчилар фикрига кўра, қаҳвага ортиқча ружу қўйиш қон томирларини соғломлаштирмайди, аксинча, ичимлик таркибидаги кофеин моддасининг организмда кўп миқдорда бўлиши зарарлидир.

Шу билан бирга, изланиш натижалари қаҳвани меъёрида истеъмол қилиш ва юрак-қон томирлари хасталиқларига чалиниш хавфи, буйрак ва қанд касаллигининг камайиши, холестерин моддасининг пасайиши ўртасида ҳам боғлиқлик борлигини кўрсатди. Бунга сабаб — қаҳвадаги кимёвий моддалар кислоталар молекулалари туфайли кузатиладиган шикастларнинг олдини олган ҳолда юракни соғломлаштиради. Ичимликдаги флавоноид моддалар, магний, калий, никотин кислотаси ва Е витамини кислотадан ҳужайраларга зарарли таъсирларини камайтиради экан.

АСАБ ТОЛАПАРИ ТИКЛАНАДИ

Тиббиётда асаб толалари тикланмайди, деган қараш мавжуд эди. Бугунга келиб эса концепция ўзгарди: аниқланишича, улар миянинг хотира ва идрок фаолияти учун масъул гиппокамп қисмида тикланар экан. «Сайнс» журналида ёзилишича, вақт ўтгани сари миядаги тармоқли ҳужайраларнинг нейрон (бош қисмдаги фаол зарралар)ларга айланиши жараёни секинлашади. Лекин махсус парҳез орқали бу ҳолатнинг олдини олиш мумкин.



Испаниядаги Барселона университети олимлари профессор Мерседес Унцета раҳбарлигида тажриба ўтказди. Улар 40 кун давомида кемирувчиларни полифенол моддалар ва тўйинмаган ёғли кислоталарга бой озуқа билан боққан. Мутахассисларнинг айтишича, одамларга нисбатан олинганда бу муддат инсон ҳаётининг ўртача тахминан бешдан бир қисмига тўғри келар экан. Ҳайвонларга берилган егулик эса қуруқ мевалар, ёнғоқ, кокос, ўсимлик мойи ва ундан тайёрланар экан.

Тадқиқотчилар кемирувчиларни икки гуруҳга ажратиб, биттасига махсус озуқа ва иккинчисига оддий егулик беришган. Яқунда биринчи гуруҳдаги ҳайвонларнинг миясида тармоқли ҳужайралар ҳам, янги ҳосил бўлган нейронлар ҳам нисбатан кўп экани кузатилди.

Кўшимча қилиб шунини айтиш мумкинки, полифенол моддалар чой, ёнғоқ, зайтун мойи, меваларнинг пўстлогиде айниқса кўп бўлар экан. Тўйинмаган ёғли кислоталар эса балиқ, соя ўсимлиги, маккажўхори, кунгабоқар ва ошқовоқ уруғларида кўп учрайди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим муассасалари бўлими бош назоратчиси Раъно Тўлагановага падари бузруквори
Тўлаган ота КҮЧҚОРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши жамоаси Жиззах вилояти Зомин тумани бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Эргаш Алламуродовга онаси
ОЙГИЛОС онанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази жамоаси марказининг «Касбга йўналтиришнинг замонавий технологиялари» бўлими методисти Эркин Кенжаевга онаси
Бибсилув АЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

Yu

Yurgan daryo, o'tirgan bo'ya. Muqobillari: "Yo'lni yurgan yengar"; "Yo'rtgan o'zar, yotgan to'zar"; "Qimirlagan qir oshar, tig'izlagan tog' oshar"; "Yurganning yo'li o'tar, o'tirganning kuni o'tar"; "Yurgan yo'ldan topadi, o'tirgan qaydan topadi"; "Yo'lovchining ozig'i yo'lida"; "Yurgan — yutoqmas"; "Ko'p izlagan ko'mma ustidan chiqadi" kabi. Harakatga, mehnatga intilish va izlanishga chorlovchi maqol. Harakatdagi odam daryoday oqadi, hayotning ichiga kiradi, yaxshi-yomonni ko'radi, yo'l taniydi, odam taniydi. O'tirgan kimsa esa, bo'ya kabi eskitirib, bir joyda muqim qolib ketadi, to'ziydi, demoqchi bo'ladilar mazkur maqolni esga solish bilan.

Ya

Yangini eski asrar. Muqobillari: "Uyligini topmagan ko'chaligin to'zdirar"; "Yamasang yangi bo'ladi, yanginingtengi bo'ladi". Tejamkorlik, tadbirkorlik, ro'zg'orboplikka undovchi maqol. To'g'ri ma'nosida, har qanday kiyimingni eskirgach, tashlab yuborma, yuringda, yaqin tevarak-atrofga chiqqanda kiyaver, yangisini xizmatga, to'y-hasham, ko'chalikka kiy. Shunday qilsang, yangi kiyiming uzoq eskirmay, to'zimay, senga xizmat qiladi, deyilmoqchi. Ko'chma, majoziy ma'noda esa, avvalo, insonga nisbatan ishlatilib, qariya, keksa otaxonu onaxonlar, bola-chaqalari, nevara-evaralari, boringki, keyingi avlodlarini duo qilib, nasihatu o'git bilan hayotning past-balandini ko'rsatib, shaxsiy namuna bilan asrab-avaylaydilar. Balo-qazodan saqlaydilar. Talab qilinsa, avlodlar deb o'z jonlarini fido qiladilar, degan maqsadda qo'llaydilar. Narsa, buyum, uy-joy ham ko'zda tutiladi.

Yaxshi niyat — yarim davlat. Muqobillari: "Yaxshi niyat — yarim mol"; "Yaxshi nafas — yarim mol"; "Eskini so'zlaguncha yangini ko'zla"; "Kam so'zla, ko'p ko'zla"; "Bugunni bir o'ylasang, ertani ikki o'yla"; "Havas bo'lsa, anqoning urug'i ham topiladi"; "Orzuga ayb yo'q"; "Maqsadsiz hayot — qushki beqanot" kabi.

Ota-bobolar, hamisha niyatni, tilakni yaxshi qilish, ezgulikni orzulashni ta'kidlab kelganlar. "Yaxshi gapga ham farishtalar omin deydi, yomon gapga ham" degan aqida bilan mudom ko'ngildan ham, og'izdan ham yaxshi gap chiqarishni talab qilganlar. Maqol bilan inson yutuqqa, mol-davlatga, dunyoga yetishishni orzu qilsa, avvalo, niyatni pok, xolis qilsin. Pok niyat — yarim davlat sanaladi. Qolgani halol mehnat, aql-idrok, tadbirkorlikka bog'liq. Bandasi yaxshi niyat, pok ixlos bilan mehnat qilsa, Olloh uning rizq-nasibasini yetkazadi, orzusini amalga oshiradi, degan fikrni ifodalaydilar.

Yaxshilik qilsang — yashir, yaxshilik ko'rsang — oshir. Muqobillari: "Berganingni ozga sana, olganingni ko'pga sana"; "O'ng qo'ling bersin, chap qo'ling bilmasin"; "Yaxshilik qil, daryoga ot, baliq bilar, baliq bilmasa, xoliq bilar". Maqol bilan bironvga yaxshilik qiladigan bo'lsang, yurakdan chiqarib qilki, uni bironv bilmasin. Himmatingni minnat qilib, u odamning o'ziga, boshqalarga bildirsang, savob o'rniga o'tmaydi, deyilayapti. Maqolning ikkinchi yarmi esa, insonni o'zgaral yaxshiligini qadrlash, hech qachon unutmastlikka qaratilgani bilan oliyanoblik va insonparvarlikka chaqiradi. Bironvdan ko'rgan yaxshiligini hamisha aytib yur, oshirib ayt, toki, bu boshqalarga ham ibrat bo'ladi, demoqchi bo'ladilar.

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

ТИЛЛАР БИЛИМДОНИ

Юртимиз жаҳонга кенг танилиб, жаҳон юртимизни кенг таниб бораётган кейинги йилларда ўзга тилларда салмоқли мақола, китоб, тадқиқотлар ёзган, ёзаётган зукко олимларимиз, хорижий давлатларда уларнинг тилида маърузалар ўқиётган таниқли мутахассисларимиз, Шекспир, Гёте, Конфуций, Кавабата ва бошқа адибларнинг асарларини бевосита аслидан ўғираётган моҳир таржимонларимиз, жаҳон ахборот воситаларида ҳамкасблари билан тенгма-тенг гап бериб, гап олиб, ёзиб-чикиб турган дадил журналистларимиз анчагина.

Бир тилни билсанг — бир одамсан, икки тилни билсанг — икки одамсан, қанча тилни билсанг — шунча одамсан, деган ҳикмат бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, марҳум Жамолiddин Бўронов инглиз, рус, немис, француз, тожик, хитой, дания тилларини биларди, она тилига яқин қардош туркий тилларни яхши тушунар, дуруст мулоқот қиларди.

1948 йили ташкил этилган Чет тиллар давлат педагогика институтининг ilk талабаларидан бири андижонлик Жамолiddин эди. Илмга чанқоқ, тиришқоқ, зехни ўтқир, билимдон йигитни институтда олиб қолишади. Ёш ўқитувчи ғайрат билан ишга — тилларни пухта ўрганишга, биланларини талабаларга ўргатишга киришади. Аспирантурада номзодлик ишини ёқлаган, иқтидорли, истиқболли олимни кўп ўтмай янги очилган инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедрасига мудири этиб тайинлашади.

— Республикада хорижий тиллар таълимнинг тамал тошини қўйиш, бу соҳани ривожлантиришда Жамолiddин Бўроновнинг ҳиссаси катта, — дейди ЎзДЖТУ Тил маркази директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси М.Ирисқулов. — Биз у киши билан узоқ йиллар бирга ишлаганмиз, ҳамкорликда луғатлар тузганмиз, тадқиқотлар ёзганмиз, АҚШ, Англия, Жанубий Аф-

рика Республикасида, кўп марта Москвада илмий сафарларда бўлганмиз. Жамолiddин Бўронов типология назарияси бўйича бақувват олим, герман тиллари соҳасида етакчи мутахассис ҳисобланарди, нуфузли анжуманларга, расмий оппонентликка кўп таклиф этиларди. 1992 йили Рус тили ва адабиёти, Чет тиллар педагогика институтлари қўшилиб Жаҳон тиллари университетига айлантирилди. Мустақил юртда хорижий тилларни пухта эгаллаган қобил кадрларга эҳтиёж катталигини теран англаган ректор куч-ғайрат билан ишга киришди, янги кафедра, бўлимлар очилди. Испан тили, таржимонлик бўлимлари кейинчалик факультетга айлантирилди. Тил марказимиз ҳам 1961 йили у киши раҳбар бўлган пайти очилган. Халқаро журналистика факультети ҳам 1999 йили иш бошлаган.

Ўзи илмда шахсий ибрат кўрсатарди. Бир қанча мақола, тадқиқотлар, илиқ баҳолар олган

"Инглиз ва туркий тиллар қиёсий типологияси" номли монографияси, "Инлизча-ўзбекча сўзлашгич", ҳамкорликда яратилган "Ўзбек-инглиз тиллари луғати", "Инглизча-қорақалпоқча луғат" муаллифи, дунёвий, илоҳий билимлардан, адабиёт, санъатдан яхши хабардор бу бе-назир инсон бир олим, раҳбар қиладиган ишни ортиғи билан бажариб кетди. Сабоқ берган, раҳбарлик қилган шогирдларининг анчаси олий ўқув юртларида проректор, декан, кафедра мудири лавозимларида ишлашган.


Камина ҳам Ж. Бўроновнинг билими тўқислиги, тарих, адабиёт, санъат асарларидан яхши хабардорлиги, ўзбекча, инглизча, русча кўп шеърларни ёддан билиши, ғамхўр, меҳрибонлиги ҳақида у билан бирга ишлаган одамлардан кўп илиқ гаплар эшитдим, ўзим ҳам гувоҳи бўлдим. Жамолiddин ака самимиyligi, тиксўзлиги, кишининг камчилигини юзига айтиши, кек сақламаслиги, хушомадни ёқтирмаслиги барчага бирдек маъқул келарди.

Сайди УМИРОВ,
Республикада хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

САНЪАТ ҚАЛБНИ БЕЗАЙДИ

Муסיқа муаллими кўриниши билан ўқувчилар кўнги-роқ чалинишини ҳам кутмай синфхонага киришади. Ҳамма дарсга тайёр. Ўқувчилар одатдагидек қўлларини парта устига эмас, тиззаларига қўйишган. Ўқувчилар ана шу ҳолатда уйга вазифа қилиб берилган қўшиқни жўр овозда куйлашмоқчи. Буни уларга муסיқа муаллими ўргатган. Муаллимнинг яна бир ўзига хос одати бор: бобосидан қолган эски танбурни қўлидан қўймайди. Ўқувчиларга муסיқа чакиб, уларни дарс машғулотларига ундайди. Балки шунинг учундир, ўқувчилари орасида санъатни сеувучи, унинг но-зикликларини тушунувчилар кўп. Ана шундай шогирдларидан бири Ғайрат Саидкуловнинг ширалигина овози бор. Мактабдаги ҳеч бир тадбир унинг ижросисиз ўтмайди.

Инсоннинг бирор касбни танлашида албатта, атрофдагиларнинг таъсири бўлади. Ғайрат Саидкуловнинг муסיқа оламига кириб келишида ҳам ушбу фан ўқитувчиси Махбуба Мелиева, у фаолият юритаётган 17-мактаб директорининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Абдурауф Маматкулов каби ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлди.



Oramizdagi odamlar

Ғайрат Саидкулов 1972 йили Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида таваллуд топган. 1995 йили Жиззах давлат педагогика институтининг муסיқа факультетини тамомлаб, Дўстлик туманидаги 17-мактабда муסיқа фанидан сабоқ бера бошлади. Шу йиллар давомида у шогирдлари билан «Санъат гунчалари» танловида иштирок этиб, туманда биринчи ўринни, вилоятда иккинчи ўринни эгаллади. Ғайрат Саидкуловнинг «2—4-синф ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини оширишда инновацион технологиянинг ўрни» номли услубий қўланмаси чоп этилган.

«Ўзбек миллий рақслари» фестивалининг республика босқичида Жиззах вилояти

шарафини ҳимоя қилган шогирди Шаҳноза Анарованын-нинг яккахон рақс йўналишида юқори ўринни қўлга киритгани ёш ўқитувчининг кўксини гурурга тўлдирди. Шунингдек, унинг изидан бориб, муסיқа соҳасини танлаган шогирдларидан Рамз Усмонов Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида вокалист, Жасур Сиддиқов эса Жиззах санъат коллежида ўқитувчилик қилмоқда.

Тиниб-тинчимас педагог Ғайрат Саидкулов бу ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, ўз устида изланишдан тўхтамади. Унинг шеърлари шаҳар, вилоят, республика газеталарида чоп этилган.

— Санъат киши кўнглини губордан тозалайди, — дейди Ғайрат Саидкулов. — Ўқувчиларга муסיқа илмини етказиш баробарида улар қалбида она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини куй-оханг орқали сингдиришни ният қилганман...

Ғайрат Саидкулов устози чалган танбурни қўлига олади-да, муסיқа хонаси томон бурилади. Унинг ортидан боқарканман, бу танбур менга буюк бир ҳикматни айтаётгандек туюлди. У ҳали яна кўплаб қалбларга эзгулик туйғуларини сочади, деган хаёлларга кўмилдим.

Мавлуда АБДУЖАЛИЛОВА



ЧЕМПИОНЛИККА ИЛК ҚАДАМ

Жиззах шаҳридаги 18-мактабда кўшни таълим масканлари ва маҳалла ёшлари ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. Шу боисдан ҳам, куз ва қиш фаслларида ёпиқ спорт зали, баҳор ва ёзда эса мактаб стадиони ҳамisha ёшлар билан гавжум бўлади.

Хозирда нафақат мактаб ўқувчилари, балки маҳалла аҳли ҳам бундай беллашувларни қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Спортнинг шу тарихи оммавий тус олишини мактабдаги жисмоний тарбия тўғрисидаги фаоллиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки мазкур ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун фан ва спорт тўғрисида қатъий режа асосида мунтазам машғулотлар ўтказилапти.

— Мактабимизнинг 2009 йилда давлат умумий миллий дастури асосида капитал реконструкция қилиниши ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашга имкон яратди, — дейди мактаб директори Дилдора Ўралова. — Ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари билан таъминланган таълим муассасасида дарс ва машғулотларнинг са-




марали ташкил этилишига муҳим эътибор қаратилган. Айниқса, спорт тўғрисидаги самарали иш олиб бораётгани ўзининг натижасини кўрсатмоқда. Ўқувчиларимиз орасида вилоят ва республика мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритаётган спортчи-ёшларимиз кўпаймоқда.

Шундай ёшлардан бири Ойнура Ҳазраткулова ушбу ўқув масканининг 9-синфида таълим олмақда. У бир неча йиллардан буён ўзбек мил-

лий кураши билан шуғулланиб келади. Ўтган йили миллий кураш бўйича ўтказилган республика биринчилигида 3-ўринни эгаллаши ҳам мактабда олиб бораётган машғулотлар натижаси, десак адашмаган бўламиз. Шунингдек, Авазбек Абдурахмонов ва Сурайё Эшбекованинг ҳам вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиши, Сарвар Оқилов, Аслбек Турсунхўжаев каби ўқувчиларнинг эса спортнинг таэквандо тури бўйича ўз маҳоратларини ошириб келаётгани уларнинг спортдаги фаолиятини умидлари катта эканини билдиради.

— Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Юлдуз Ҳамроқулова, дзюдо бўйича Осиё чемпиони Ирода Абдурахмонованинг ютуқларига ҳавасим келади. Уларнинг иккаласи ҳам спортдаги ютуқлари ва кўрсаткичлари учун «Зулфия» номидаги давлат мукофоти олишга муяссар бўлдилар. Мен ҳам уларга ўхшаб ўзбек миллий кураши бўйича чемпион бўлишни орзу қиламан, — дейди Ойнура Ҳазраткулова.



Мактабда Ойнура каби спортчи ёшларнинг орзусини рўёбга чиқариш ёрдам бераётган тажрибали устоз ва мурабийлар кўп. Собир Ўришбоев, Элдор Кенгашев, Отабек Худойбергенов каби жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фидойилиги туфайли спортга ҳавас қилаётган ёшлар кўпаймоқда. Шунингдек, футбол, теннис, волейбол, баскетбол, миллий кураш каби тўғрраклар фаолияти жонланмоқда. Буларнинг барчаси ёшлар орасидан чемпионлар етишиб чиқишига асос бўлувчи омиллардир.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

«Тўмарис» қизларининг шашти баланд

Ўтган йили Янгибозор туманида «Тўмарис» қизлар футбол жамоаси ташкил этилган эди. Ушундан тумандаги 9-футболга ихтисослашган мактаб-интернат мураббийси Олимбой Давлатовнинг хайрли ташаббусини кўпчилик қўллаб-қувватлади. Шу тарихида, ўқув маскани қошидаги қизлар футбол гуруҳига 23 нафар қиз жалб этилиб, улар Гуландом Кўшназарова мураббийлигида катта футболнинг сир-асрорларини ўрганишга киришди.

Xotin-qizlar sporti

Кувонарлиси, чарм тўп ўйинининг қонун-қоидалари билан яқиндан танишган ушбу қизларнинг тинимсиз машғулотлари тез орада ўз самарасини берди. Аниқроғи, жамоанинг шаклланишидан тўрт ой ўтар-ўтмас, «Тўмарис» дастлабки сафарга йўл олди ва ўтган йили декабрда Шофиркон туманида ташкиллаштирилган турнирда шоҳсупанинг иккинчи погонасига кўтарилишга муваффақ бўлди.

Жорий йил бошида Янгибозор туманида «Баркамол авлод йили» га бағишланган вилоят очик биринчилигида «Қирқ қиз» (Нукус), «Шофиркон» (Бухоро) ва 3-сон БУСМ (Урганч) жамоалари билан ўзаро куч синашган «Тўмарис» яна иккинчи ўринни эгаллади.

«Тўмарис» қизларининг зафарли юришлари уларни мамлакат чемпионатига етаклади. Жорий йил май ойида Қибрай туманида ташкил этилган XIV Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур ўйинларида майдонга тушган жамоанинг саккиз нафар футболчиси ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмаганди. Шунга қарамай, «Тўмарис» жамоаси мутахассисларда илиқ таассуротлар қолдирди. Чемпионатнинг иккинчи тур учрашувларида эса уларнинг тажрибаси ошаётгани кўзга ташланди. Натижада, «Чирчиқ» (1:1) ва «Қушбеги» (1:1) жамоалари-

га қарши кечган ўйинларда хоразмлик футболчи қизлар дастлабки очколарни қўлга киритди. Энг муҳими, ярим ҳимоячи Гулмира Тожибоева ва ҳужумчи Дилноза Бектемирова ўн олти ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоасига номзод бўлди.

Яқинда икки дугона Қарши шаҳрида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида қатнашиб қайтди. Хозирги кунда улар терма жамоа таркибидан ўрин олиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир.

— Ҳар кунни белгиланган режа асосида машғулотлар ўтказялмиз, — дейди жамоа бош мураббийи Гуландом Кўшназарова. — Бу борада Олимбой Давлатовнинг кўмагини мамнуният билан эътироф этиш керак. Негаки, айнан у кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли шундай жипслашган жамоани шакллантиришга эришилди. Насиб қилса, «Тўмарис» мамлакатимизнинг етакчи жамоалари қаторидан ўрин эгаллайди.

Ҳа, «Тўмарис» қизларининг шашти баланд. Эндигина тажриба ва маҳорат мактабини ўтаётган бу қизларнинг ҳаракати ва ютуқларини кузатиб, уларнинг келгусидаги парвози ҳам баланд бўлишига ишонч ҳосил қиламиз.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



«РЕАЛ» — МУАММОЛАР ГИРДОБИДА(МИ?)

Испаниянинг «Реал» футбол жамоаси етакчиларидан бири португалиялик Криштиану Роналду оёғидан олган жароҳати туфайли 3 ҳафта мобайнида асосий таркибда тўп сура олмайди, деб хабар берди клубнинг расмий сайти.

Бу кўнгилсизлик премьеранинг 2010-2011 йилги мавсуми илк учрашувидида содир бўлди. Мадридликлар чемпионат аутсайдерлиги сифатида тилга олинаётган клублардан бири «Мальорка»га қарши сафардаги матчида дурангга (0:0) имзо чекканди.



Роналду энди «Осасуна» клуби билан ўтадиган навбатдаги тур ҳамда ЕЧЛ гуруҳ босқичининг дастлабки қарама-қаршилиги: «Аякс» — «Реал» тўқнашувидида ва Португалия миллий терма жамоаси сафидида иккита ўйинда майдонга тушолмайди.

Шунингдек, Роналдудан ташқари, «Қироллик клуби»нинг яна бир вакили француз ҳужумчиси К.Бензема ҳам жароҳат олган.

КРИС ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАДИ

Миллий хоккей лигасида(МХЛ) 26 мавсум давомида тўп сурган мерикалик машҳур хоккейчи Крис Челиос профессионал спортдаги фаолиятини тўхтатишини маълум қилди, деб хабар берди МХЛ расмий сайти.



Замонавий хоккейнинг энг машҳур номларидан бири Крис Челиос ўтган мавсумда «Атланта» шарафини ҳимоя қилиб бир неча матчида қатнашган. «Детройт» жамоаси Крисга хоккей тактикалари бўйича маслаҳатчи лавозимини

таклиф қилган.

— Очиги, мен бу кунни анчадан буён кутаётганим, — деди 48 ёшли хоккейчи. — Сўнгги 27 йил давомида мен МХЛ аъзоси сифатида фаолият олиб бордим ва бундан ҳеч ҳам афсусланмайман.

«Қизил қанотлилар» таркибидида спортчи икки марта Стэнли кубогини эришган эди. У фаолиятидаги илк совринга 1986 йилда эришган. Ушунда у «Монреал» жамоаси аъзоси эди. Спортчи МХЛ чемпионатларида ўзига хос рекорд натижага эришган. 1651 матч ўтказган, 185 гол муаллифидир.

ЭНГ ЁШ — ЭНГ ХАВФЛИ РАҚИБА

Россиялик теннисчи Мария Шарапова Нью-Йоркда ўтказилаётган АҚШ очик чемпионати учинчи босқичида америкалик ёш теннисчи Беатрис Капра билан ўтадиган матчни интиқлик билан кутмоқда.

Кунги кеча Шарапова АҚШ очик чемпионати иккинчи босқич матчини муваффақиятли тамомлади. Чехиялик Ивета Бенешовага қарши кечган баҳсда 6:1, 6:2 ҳисобини қайд этиб, галабани ўз фойдасига ҳал қилди. Капра эса франциялик Араван Резаи устидан зафар қучди.

Шарапова матчдан олдин ўтказилган матбуот анжуманида Капра ҳақида фақатгина унинг 18 ёшдалиги, Америка фуқароси эканини ва у билан учинчи босқичда «учрашиш» ини билишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

МАСКЕРАНО «ЛИВЕРПУЛЬ» ДАН КЕТДИ

Англиянинг «Ливерпуль» клуби таркибидида асосий ўйинчилардан бирига айланган Аргентина терма жамоаси сардори Хавьер Маскеранонинг август ойи охирида каталонияликларнинг «Барселона» клубига ўтиши қутилмаган воқеалардан бири бўлди.

Сўнгги вақтларда бироз кучсизланиб қолган мерсисайдликлар етакчиси собиқ устози Рафаэль Бенитеснинг янги жамоаси — Италиянинг «Интер»ига бориб қўшилиши ҳақида ҳам гап-сўз тарқалган. Аммо барселоналик «совчи»лар бу борада эпчилроқ чиқиб қолди.

Маскеранонинг «Барса»га келиши 22 миллион еврога тушди. У янги жамоага қўшилганидан ўзида йўқ шод эканини журналистларга ошкор қилди: «Мен бир умр шу буюк жамоа аъзосига айланишни орзу қилгандим. Мана, ниҳоят мақсадимга ҳам эришдим».



Ш.Жўраева тайёрлади.

РАҒБАТ — ПАРВОЗГА ҚАНОТ

кати, Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазириликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, «Маҳалла» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган теннис бўйича ўтказилган мусобақада ҳам коллеж ўқувчилари яхши натижаларни кўрсатишди. Вилоят босқичларида ғолиб бўлган 84 нафар қизни мағлубиятга учратган Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси Ситора Шамсиева «Камолот» маликаси — 2010» танловида энг юқори натижани қайт этди.

Таэквандо бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни шу даргоҳ ўқувчиси Гулчеҳра Норова қўлга киритиши коллеж жамоасининг кўнгилни ғурурга тўлдирди. Шунингдек, ўзбек қўл жанги санъати бўйича биринчи ўринга Нигора Жумаеванинг лойиқ деб топилиши кейинги мусобақаларда бундан кўпроқ галабаларга ишонч уйғотди.

Бир сўз билан айтганда, ёшларга яратилаётган имконият ва берилаётган эътибор уларнинг ҳар бир соҳада юсак марраларни зарб этиши учун қанот беради.

С.ХУСЕНОВА,
Бухоро педагогика коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси



Ilk saboq — Mustaqillik darsi

Prezident sovg'asi — ilmga rag'bat



Bu gullar birinchi o'qituvchimizga



Bilimlar kuni tomoshalari



Saboqlarda Vatan madhi



Qalblarda birinchi qo'ng'iroq sadosi



O'quvchilarim Hasan-Husan bir partada



Mening birinchi o'quvchilarim

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-822.
Tirajl 27881.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Bashorat OTAJONOVA.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
UzA yuqum — 22.30